ТЕЗ ВА СОЗ ЭКАЙЛИК!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 68 (3040). | Жума, 9 апрель 1965 йил. | Баҳоси 2 тийин.

„ПОЛВОН“ ДОРИ

Гарчанд пахтакор бўлмасам ҳам пахтачиликдаги биринчи ғалаба нимадан иборат, деб сўрасалар, энг олдин ҳамма майдонларда бир текис ва баравар униб чиққан кўчат деб жавоб берар эдим. Ахир ҳосилнинг отаси-онаси кўчат-ку. Кўчат сийрак бўлса тўла гектар ҳам бўлмайди, демак юқори ҳосил ҳам олиб бўлмайди. Чигит бир вақтда униб чиқмаса бир картадаги ўсимлик ҳар хил ёшли бўлиб қолади. Кўчат текис бўлса деҳқоннинг ҳам чеҳраси очилиб кетади.

Деҳқончиликда илгарига қўйилган ҳар бир қадам деҳқонларни беҳад қувонтиради. Ўз касбини севган, уни улуғлаган деҳқонлар фан, техника янгиликларини орзиқиб кутадилар.

Ўтган йили амалда синаб кўрилган химия фанининг бир мўъжизаси яна деҳқонларни иодлантириб юборди. Зотан пахтачилик ишини ривожлантиришга қаратилган ҳар бир янгилик турмушимизга жуда тез сингиб кетяпти. Ҳозир улкан химия маҳсули — янтарь кислотаси ҳақида Бўка районидаги деҳқонлар билан суҳбатлашиб қолсангиз улар буни мароқланиб таърифлаб кетадилар.

— Янтарь кислотаси жуда ажойиб ва бебаҳо, нарса, деҳқонлар унга «полвон» дори деб ном қўйишган. Бу доридан солинган сув билан чигит ивитилиб экилса, кўчат икки-уч кун олдин униб чиқар экан. Униб чиққанда ҳам жуда бақувват бўларкан.

Деҳқонларнинг янтарь кислотасини бундай таърифлашлари бежиз эмас. Ўтган йили райондаги 19 колхоз ва 4 совхозда чигит янтарь кислотасидан фойдаланиб экилди. Бир тонна чигит экиш учун бор-йўғи 8 грамм янтарь кислотаси сарфланди. Дастлаб 8 грамм янтарь кислотаси 35 литр сувга солиб эритилди ва чигитга сепилди. Сўнгра ивитилган чигит 24 соат димлаб қўйилди. Натижада янтарь кислотаси чигитнинг мағзига сингиб кетди. Бу чигит экилган вақтда одатдагидан икки уч кун олдин униб чиқишини таъминлади.

Ўтказилган тажрибалар янтарь кислотасининг хусусияти бугина эмас, шу билан бирга у ҳосилдорликнинг ошишига ва ҳосилни эрта пишишига ҳам ёрдам беришини кўрсатди.

Ўтган йили «Гулистон» колхозининг тажриба участкасида қўйидаги тартибда тажриба ўтказилди. Ярим гектардан қилиб олти ерга чигит экилган. Биринчи ярим гектар ерга оддий усулда ивитилган экилган ердаги ғўзалар кейин очилган. Бундан ташқари олинган ҳосил миқдори ҳам ҳар хил бўлиб чиққан. Янтарь кислотаси билан ивитиб чигит экилган ерларда ҳар гектар ердан 2—3 центнердан кўп ҳосил олинган. Колхоз шароитида ўтказилган бу оддий тажрибанинг ўзи ҳам янтарь кислотасининг пахтачилик агротехникасини ривожлантириш соҳасида олдинга қараб қўйилган бир қадам, деса бўлади. Шунинг учун ҳам бўкалик пахтакорлар бу йил ҳам чигит экиш вақтида янтарь кислотасидан кенг фойдаланиш учун интилмоқдалар.

Янтарь кислотаси фақат пахтачиликдагина эмас, шу билан бирга бошқа экинларни ҳам тез ривожланишига, уларнинг ҳосилдорлигини оширишга ёрдам бера олади. Шу сабабли маккажўхори экиш вақтида ҳам янтарь кислотасидан фойдаланиш кўзда тутиляпти.

Бўкада яна бир мўъжизакор препарат ҳақида қувончли гап эшитасиз. Ўтган йили баъзи кишилар НРВ (нефть чиқиндиси) сепилган тут баргини қурт еса зарарланади, деган эдилар. Лекин тажриба бу даъвони рад қилди.

Маълумки, пиллачилик йилдан-йилга кенгайиб ривожланиб боряпти. Лекин озуқа базаси жуда секин ривожланяпти. Чунки янги ўтказилган тут кўчатлари бирдан кўп барг бериши мумкин эмаслиги ҳаммага аён. Шу сабабли кўпгина хўжаликлар қурт боқиш вақтида барг қидиришга мажбур бўладилар.

Ўтган йили ўтказилган баъзи тажрибалар НРВ пиллачиларга катта ёрдам бериши мумкинлигини кўрсатди. Райондаги «Октябрь 40 йилли»ги колхози ҳар йили барг қидириб бормаган жойи қолмасди. Ҳатто Тошкент шаҳрига боришга мажбур бўларди. Ўтган йили бу колхозда шундай аҳвол бўлмади. 92 кути қурт боқиб 4980 килограмм пилла етиштирди. Бу 1963 йилга нисбатан 900 килограмм кўп демакдир. Нега бу колхоз ўтган йили барг қидирмай колхозининг ўзидаги тут баргларн билан қурт боқиб, олдинги йилларга нисбатан кўпроқ пилла ҳосили олди. Чунки колхозда ўтган йили тут дарахтларига самолёт билан НРВ сепилди. Натижада тутлар одатдагидан кўра кўпроқ барг ҳосили берди. «Ленинизм» колхозида ўтказилган тажриба ҳам худди шундай ижобий натижа берди.

Бўка районида янтарь кислотаси ва нефть чиқиндиси (НРВ) қўллашнинг дастлабки натижалари шундан иборат. Бу эса бу йил янтарь кислотасидан ҳам, нефть чиқиндисидан ҳам кенг миқёсда фойдаланиш зарурлигини кўрсатиб турибди. Шу сабабли районда бу йил фойдаланиш учун 68 килограмм янтарь кислотаси ва 10 тонна нефть чиқиндиси тайёрлаб қўйилди.

Янтарь кислотаси ва нефть чиқиндисини қўллаш билан ҳамма иш битди, деб ўйлаш хатодир. Бу фақат деҳқончиликда одатда қилиниб келинаётган ишларга қўшимча иш ва тадбир холос.

Бу йил бўкаликлар 62 минг тонна пахта, 182 тонна пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ўз олдиларига вазифа қилиб қўйдилар. Бунинг учун айни кунларда 20 минг гектар ердан ёввойи ўт илдизлари териб ташланиши, 3260 гектар пахта майдонига чигит экиш билан бир вақтда ўғит солиниши, уч минг гектар ер экишдан олдин азот билан ўғитланиши, вильт касалига қарши 500 гектар ерга калий солиниши ва бошқа тадбирлар амалга оширилиши лозим. Агар шу каби жуда кўп агротехника тадбирлари амалга оширилмаса янтарь кислотаси ҳам, НРВ ҳам ўз қучини ва мўъжизасини кўрсата олмайди. Хўжалик раҳбарлари олинган социалистик мажбуриятни шакшубҳасиз бажариш учун кўклам экин кампанияси давридаги бу каби тадбирларни ҳар тарафлама кучайтириб юборишлари, фан муъжизаларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишлари лозим.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

ВРОЦЛАВ ИШЧИЛАРИ ҲУЗУРИДА

ВРОЦЛАВ, 7 апрель. ТАСС махсус мухбирлари Г. Киселев ва В. Кузнецов хабар берадилар:

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет партия-ҳукумат делегацияси бугун бир-бири билан ёнма-ён жойлашган «Пафавог» вагонсозлик заводи ва қўйи Силезия «Дольмель» электротехника заводини бориб кўрди. Бу заводлар Польшадаги энг йирик корхоналардир.

В. Гомулка, Ю. Циранкевич, З. Клишко, А. Рапацкий ўртоқлар ҳамда Польша Бирлашган Ишчи партияси ва Польша Халқ Республикаси ҳукуматининг бошқа таниқли арбоблари Л. И. Брежнев, А. Н. Косигин, Ю. В. Андропов, А. А. Громико, Н. И. Крилов, Т. Я. Киселев, В. И. Дрозденко ва А. Б. Аристов ўртоқлар билан бирга «Пафавог» заводига келишди.

Ишчилар, инженер-техник ходимларнинг вакиллари меҳмонларни кутиб олишади. Совет Иттифоқи Коммунистик Партияси ва Польша Бирлашган Ишчи Партияси шарафига, иккала халқнинг дўстлиги ва қардошлиги шарафига айтилган табрик хитоблари қайта-қайта янграйди.

Делегация аъзолари «Пафавог» ва «Дольмель» заводлари дирекцияларининг вакиллари ҳамроҳлигида ишлаб чиқариш цехларини кўздан кечирадилар. Улар кенг ва ёруғ цехларни айланиб чиқиб, маҳсулотнинг айрим турларини ишлаб чиқариш технологиясини суриштирадилар, ишчилар билан суҳбатлашадилар. Цехларнинг бирида мутахассислар Л. И. Брежневга электр поездлар ишлаб чиқариш тўғрисида, уларни ишлаб чиқаришни такомиллаштириш тўғрисида гапириб берадилар. Электр поездлар Польша-Совет қўшма ҳужжатлари негизида ишлаб чиқарилмоқда, дейишади «Пафавог» раҳбарлари.

Кучли электр машиналар цехида А. Н. Косигин 125 минг киловатт қувватли генераторлар ишлаб чиқаришнинг таннархини суриштиради. В. Гомулка завод коллективи ўз корхонасини муттасил такомиллаштириб бормоқда, деди.

Делегация аъзоларидан Т. Я. Киселев, В. И. Дрозденко цехлардаги ишлаб чиқариш технологияси, уларнинг маҳсулотлари билан қизиқиб танишадилар.

Меҳмонлар ишлаб чиқариш бригадаси ёнида тўхтаб, унинг аниқ ишлаётганлигини кузата бошлайдилар. 125 минг киловатт қувватли турбоагрегат учун статор обмотка қилинаётган эди. Польша турбоагрегатлар ишлаб чиқара бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ, ҳозир эса мамлакат бу соҳада бир талай тажриба орттирди. Ҳозирги вақтда Польша халқ республикаси ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашининг тавсияларига мувофиқ, СССР билан бир қаторда кучли турбоагрегатлар ишлаб чиқаришга ихтисослашмоқда.

Цехлар кўздан кечириб бўлинди. Ҳамма «Дольмель» заводининг катта клубига йўл олади. Бу ерда Вроцлавдаги энг йирик икки саноат корхонаси ишчилари коллективларининг вакиллари тўпланиб туришган эди. Л. И. Брежнев, В. Гомулка, А. Н. Косигин, Ю. Циранкевич, Совет партия-ҳукумат делегациясининг аъзолари, Польша Бирлашган Ишчи Партияси ва Польша Халқ Республикаси ҳукуматининг раҳбар арбоблари президиумга чиққанларида олқишлар узоқ вақт давом этади.

Президиум столи тепасида Владимир Ильич Ленининг катта портрети ва Польша халқи, Польша халқ республикаси билан СССР ўртасида дўстлик тўғрисидаги янги 20 йиллик шартномани табриклайди, деган транспарант кўзга ташланади.

Польша Бирлашган Ишчи Партияси Вроцлав воеводлик комитетининг биринчи секретари В. Пилатовский тўпланганларга қарата табрик нутқи сўзлайди. У. А. Н. Косигинга сўз беради.

Вроцлавдаги митингда А.Н. КОСИГИН нутқи

Совет партия-ҳукумат делегациясининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Вроцлавдаги «Дольмель» ва «Пафавог» заводлари ишчи ва хизматчиларининг митингида нутқ сўзлаб, митингда тўпланганларга ва улар орқали Польшанинг бутун шонли ишчилар синфига совет халқининг самимий саломини ва энг яхши истакларини тошширди.

Уруш тамом бўлганидан бери ўтган йиллар ичида, деди Совет ҳукуматининг бошлиғи, Польшанинг ғарбдаги ва шимолдаги ерлари таниб бўлмайдиган даражада бошқача бўлиб қолди. Қадимий Вроцлав ўзгариб кетди ва ўсди. Аҳамияти жиҳатидан мамлакатнинг иккинчи саноат маркази бўлиб қолган Вроцлав воеводлиги билан танишиш катта таассурот қолдирди.

Польша давлатининг чегаралари, деди А. Н. Косигин, узил-кесил муқим бўлиб қолди. Бу чегаралар шунинг учун ҳам бузилмайдиган чегаралардирки, Польша Халқ Республикасининг ишчилар синфи ва деҳқонлари, барча меҳнаткашлари шу чегаралари ҳимоя қилишни таъминлаб турибди.

Поляк ва совет халқларининг дўстлиги, иккала давлатимизнинг қудрати шу чегаларнинг реваншчилар ҳамласидан омон сақланишини ва дахлсизлигини таъминловчи гарантиядир. Польша чегараларининг дахлсизлигини таъминловчи яна бир гарантия шуки, шу чегараларнинг нариёгидаги социалистик давлатлар — Германия Демократик Республикаси ва Чехословакия Социалистик Республикаси тинчлик ва Европа хавфсизлигини мустаҳкамлаш позициясида турибди. Польша Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Чехословакия Социалистик Республикаси, Совет Иттифоқи ва бутун социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг дўстлиги Европанинг мана шу районида ўтмишда шу жойлардан ўтган уруш чегарасини эмас, балки мустаҳкам ва бузилмас тинчлик чегараси бўлишини таъминлаб турибди.

Нотиқ совет партия-ҳукумат делегациясининг Польшага қилган сафаридан кузатилган асосий мақсад ҳар иккала мамлакат ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида янги Шартномани имзолашдан иборат эканлигини кўрсатиб ўқтириб айтдики, янги Шартнома турмушнинг ҳамма соҳаларида мамлакатларимизнинг қардошларча ҳамкорлигини янада кенгайтириш ишига хизмат қилади, бирлигимизни келгусида янада мустаҳкамлаш учун яхши негиз бўлади. Шу Шартномага кўра ҳар иккала давлатимиз ўз зиммасига олаётган мажбуриятлар совет ва поляк халқларининг манфаатларига, бутун социалистик ҳамдўстлик манфаатларига мос бўлиб тушади.

Муштарак мақсадга эга бўлган — социализм ва коммунизм қуришни ўзларига умумий мақсад қилиб олган икки давлатнинг ҳамкорлик қилишга ва ўзаро ёрдамлашишга астойдил интилаётганликлари Шартнома мажбуриятларида акс эттирилган. Бизни, деб давом қилди А. Н. Косигин, бирлаштириб турган нарса конкрет сиёсий мақсадларнинг муштараклиги, иккала давлатимиз хавфсизлиги биргаликда ҳимоя қилинаётганлиги, иқтисодий ва илмий техникавий ҳамкорлигимизнинг чамбарчаслигидангина иборат эмас. Бизни аввало, социал тузумимизнинг айнан битталиги, мақсадларимизнинг бирлиги ва марксизм-ленинизм идеологияси бирлаштириб турибди. Капиталистик дунёдан фарқли ўлароқ бизнинг иқтисодий битимларимиз фақат давлатлар ўртасидаги битимгина бўлиб қолмасдан, халқлар ўртасидаги битим-ҳамдир.

Империалистларнинг энг реакцион кучлари, жумладан иккинчи жаҳон урушининг якунларини ревизия қилишга интилаётган ғарбий герман реваншчилари тинчликка ва халқлар хавфсизлигига қарши олиб бораётган қўпорувчилик ишлари тўғрисидаги масала, — деди нотиқ, — бу ерда, Вроцлавда айниқса актуал масала бўлиб турибди. Европа хавфсизлиги манфаатлари барча прогрессив ва тинчликсевар кучларнинг ҳаммаси кўз қулоқ бўлиб туришини талаб қилади.

Варшава Шартномаси ҳарбий авантюраларга ишқибоз бўлганларнинг йўлига қўйилган мустаҳкам тўсиқ. Варшава Шартномаси мамлакатлари бир-бирлари билан маҳкам иттифоқ бўлиб ҳаракат қилиб, ўз халқларига бўладиган ҳар қандай таҳдидни даф қила оладилар ва тинчлик манфаатларини ҳимоя қила оладилар.

Янги Совет-Польша Шартномасини, деди Совет ҳукуматининг бошлиғи, Шарқи-Жанубий Осиёда кескин аҳвол вужудга келган таҳликали халқаро вазиятда имзолашимизга тўғри келади. Хатто, шуни айтиш мумкинки, Шарқи-Жанубий Осиёда аслини олганда уруш ҳолати вужудга келди, бу урушни Америка Қўшма Штатлари олиб бормоқда. Америка Қўшма Штатлари Женева битимларини бузиб ва бир чеккага улоқтириб ташлаб, очиқдан-очиқ ҳарбий мажаро йўлига тушиб олди.

Америка ҳарбийлари Жанубий Вьетнам халқининг озодлик курашини ваҳшийларча шафқатсизлик билан бостиришга уринмоқдалар, Лаос ва Камбоджанинг суверенитетини бузмоқдалар. Америка агрессорлари социалистик давлат бўлган Вьетнам Демократик Республикасига қарши дўқлар қилишдан тўғридан-тўғри уруш ҳаракатлари олиб боришга ўтдилар. Уларнинг авиацияси мумкин бўлмайдиган нарсага эришишга — қўлига қурол олиб курашиб, озодликни ва мустақилликни қўлга киритган, ўз мамлакатининг хўжайини бўлиб қолган халқни бўйсунишга мажбур қилишга уриниб, Шимолий Вьетнам территориясига босқинчилик ҳужумлари қилмоқда.

Модомики, Америка империалистлари янги ҳарбий авантюралар қилиш, Ҳинди-Хитойдаги урушни кенгайтириш йўлига кириб олган экан, бу нарса аввало, уларнинг Жанубий Вьетнамда қуролли интервенция қилиш сиёсати шармандa бўлганлигини кўрсатиб турибди. Жанубий Вьетнам ватанпарварлари Америка интервентларига тобора сезиларли зарбалар бермоқдалар. Жанубий Вьетнам халқининг курашига раҳбарлик қилаётган Миллий озодлик фронти Жанубий Вьетнамда ҳозирги аҳволнинг ва келажакнинг эгаси бўлган реал куч-эканлиги эндиликда ҳаммага равшан бўлиши лозим.

Совет халқи деди нотиқ, АҚШнинг агрессив ҳаракатларини қоралаш билангина кифояланаётгани йўқ. У. Вьетнам Демократик Республикасининг озодлик ва мустақиллик учун олиб бораётган курашига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида бор имкониятлардан фойдаланмоқда. Қардош социалистик мамлакатга нисбатан империалистик агрессия қилинаётган шароитда совет халқи тинчлик ва халқлар озодлиги ишини қадрловчи кишиларнинг ҳаммасини бир ёқадан бош чиқариб ва қаттиқ туриб агрессорга зарба беришга чақирадилар.

Совет партия ҳукумат делегацияси Польшада турган вақтида Польша Бирлашган ишчи партиясининг раҳбарлари билан, Польша ҳукуматининг аъзолари билан учрашиб суҳбатлашди. Мана шу суҳбатлар вақтида биз тинчликни сақлаб қолмоқ учун, Совет Иттифоқи билан Польша ўртасидаги қардошлик муносабатлари янада ривожланиши учун, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ўсиб ва ривожланиб бориши учун яқин келгусида кўрилиши зарур бўлган чоралар тўғрисида фикрлашиб олдик. Бутун социалистик лагернинг жипслигини мустаҳкамлаш, халқаро коммунистик ҳаракат бирлигини мустаҳкамлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Пировардида Ўртоқ Косигин Польша ва Совет Иттифоқининг барча меҳнаткашлари янги Шартномани, мамлакатларимизнинг ишчилари ва деҳқонлари номидан биз олиб борган музокараларнинг натижаларини маъқуллайдилар, деб ишонч билдирди.

* * *

СССР Министрлар Совети Раисининг якунловчи сўзлари гулдурос қарсаклар билан кутиб олинади. Сўнгра А. Н. Косигин икки завод ишчиларига делегациянинг тухфасини: В. И. Ленин бюстларини ҳамда халқаро пролетариат буюк доҳийсининг ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги альбомларни топширади. Ишчилар шу саноат корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг макетларини делегация аъзоларига тақдим этадилар. Ҳамма ўрнидан туради. Олқишлар бошланади ва поляк халқи билан совет халқи ўртасидаги сўнмас дўстлик шарафига табрик хитоблари янграйди. «Интернационал» куйланади.

ИЛҒОР ЗВЕНОДА

Қўкда қуёш чарақлаб, кенг далалар баҳрига илиқ ёғдуларини тўкмоқда. Пахта йиғим-теримининг биринчи куни қанчалик қувончли бўлса, ерга чигит қадаладиган биринчи кун ҳам деҳқонлар учун қувончли кун бўлади. Мана, 1-«Оққўрғон» совхози агротехника кенгаши аъзолари 3-бўлимнинг ўртоқ Анвер Абдурахмонов бошлиқ комплекс механизациялашган звеноси далаларида. Чуқур ҳайдалган вақтида борона қилиниб чизелланган карталарнинг тупроғи майин, бўрсилдоқ етибди.

Кенгаш раисининг ўринбосари, пахтачиликда бой тажриба орттирган Умурзоқ ота Норбеков шу звенода экишни бошлаш мумкинлигини айтди. Универсал тахт қилиб қўйилган эди. Звено бошлиғи — механизатор Анвернинг ўзи ишга шай эди. Сара уруғ ҳам тайёр. Кенгаш аъзоларининг маслаҳати билан карталарда универсал овози янграй бошлади.

— Экиш билан бир вақтда ерни ўғитлаб кетиш керак. Шунга амал қил ука. Қадалган чигит тез, кейин бақувват униб чиқади, — Умурзоқ ота звено бошлиғига шу маслаҳатни айтдик эди. Қимматли фикрга амал қилина бошланди. Шу куни Анвер Абдурахмонов звеносида 15 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экилди.

Совхознинг ўртоқ Абдиали Маликов бошқараётган бўлимида ҳам ерга дастлабки уруғ қадаляпти. Бўлимнинг Нурулла Шокирбоев бошлиқ тюпкўчи звеносида ҳам Анвер Абдурахмонов звеноси билан бир кунда экиш бошланган эди. Эндиликда совхознинг бошқа қатор звеноларида ҳам агрозоотехника кенгаши аъзоларининг маслаҳатлари асосида экишга еппасига киришиб кетилди.

Деҳқонларнинг бутун диққат-эътибори экин майдонларининг ҳаммасига юқори агротехника қоидаларига амал қилинган ҳолда чигитни тез ва соз экиб олишга қаратилган. Улар улуғ етти йилликнинг сўнгги йилида 2600 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан пландаги 23,73 центнер ўрнига 26 центнердан «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилганлар. КПСС Марказий Комитети март Пленумининг деҳқонлар, чорвадорлар ва галлакорларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини бундан бўён ҳам изчиллик билан ривожлантириб бориш борасида қабул қилган қарори совхоз ишчи ва механизаторларини ўз аҳдларининг уддасидан чиқиш йўлидаги қарашларини янада кенг қулоч ёйдирди, ҳалол меҳнатга илҳомлантириб юборди.

Ж. УСМОНОВ.

СУРЪАТ СУСТ

Энгельс номли колхозда бу йил 1200 гектар ерга чигит экилиши керак. Бу ишга ўз вақтида пухта тайёрлик кўриш лозим эди. Бироқ колхоз раҳбарлари қимматли вақтларни беҳуда ўтказиб юборди-лар. Шунинг натижасида чигит экиб бошланган айни пайтда ўртоқ Эшон Шамсиев раҳбарлик қилаётган Янгийўл районидаги Энгельс номли колхозда талай камчиликлар содир бўлаяпти.

Аввало, чигит экишда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган техника воситалари ҳалигача тўла тайёр эмас. Масалан, 9 та ДТ-54 тракторидан 6 таси, 34 та ДТ-28 ва ДТ-24 тракторидан 11 таси ҳалигача тўла ремонтдан чиқмаган. 13 та сеялкадан 9 таси тайёр, холос.

Колхозда 22 звено бор. Абдулла Исмоилов, Узбекали Дониёров ўртоқлар бошлиқ звеноларда иш чаккисидан эмас. Бу звеноларнинг аъзолари пахтадан юқори ҳосил олиш учун чигит экишга пухта тайёрлик кўрмоқдалар. Пахта майдонларини яхши текисламоқдалар, ёввойи ўт илдизларини териб олмоқдалар. Ҳуллас, ерга чигитнинг бир текис тушиши учун зарур бўлган тадбирларни кўрмоқдалар.

Аммо колхоздаги бошқа звеноларда иш шу хилда ташкил этилмаган. Айниқса Абдураим Улмирзаев, Носир Абулгозиев, Турасбек Насиббеков, Анвар Собитов ўртоқлар бошлиқ звеноларда чигит экишга ҳали ҳам киришилмаган. Бу ерда ҳамма иш чала. Пахта майдонлари яхши текисланмаган. Карта ўрталарида чала ҳайдалган ерлар, ўйдим-чуқур жойлар кўзга ташланиб турибди.

Умуман колхозда чигит экишга зарур ишчи кучлари сафарбар этилмаган. Шу кунларда пахтачилик билан шуғулланадиган 300 кишидан дала ишларига икки юзга яқин киши қатнашяпти, холос.

Чигитни тез ва соз экиб олиш лозим. Бунинг учун мавжуд камчиликларни тугатиш, техникани созлаш, барча ишчи кучларини бу ишга тўла сафарбар этиш зарур.

Т. ИМОМОВ.



Оржоникидзе районидаги илғор хўжаликлар чигит экишни оммавий равишда бошлаб юбордилар. «Қизил Узбекистон» колхозининг пахтакорлари ҳам экиш кампаниясини қисқа вақтда юқори агротехника талабларига мувофиқ ўтказиш учун зўр ғайрат кўрсатишяпти. Колхознинг қайси участка ва звеносига борманг, экиш ишлари билан қизғин банд бўлган колхозчиларни кўрасиз. Улар ўз зиммаларига юклатилган вазифани шараф билан бажаришга ҳаракат қилишяпти. Кеча, фото мухбиримиз А. Абалян колхозининг 7-участкасида бўлди. Участка бошлиғи Р. Каримбеков деҳқонларнинг 135 гектар ерда юқори ҳосил етиштириш соҳасидаги ишлари ҳақида гапириб берди. Участка аъзолари ҳар бир кундан самарали фойдаланиб, экишни тезроқ тамомлаш учун ҳаракат қилишяпти. Деҳқонлар тез ва соз ишлаб, бирнеча кун ичида экин майдонининг ярмидан кўпроғига барака уруғи ташладилар. Сиз кўриб турган суратда (ўнгда) тракторчи ўртоқ Карим Мавлонов агрегатнинг ишлашини кўздан кечирмоқда. Чапда унинг касбдоши Раҳим Консбоев сеялкачи Умар Зокиров билан биргаликда сифатли текисланган ерларга уруғ қадаяпти.

ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИН КУНЛАРИ ОЛДИДАН

1919 йил 1 Май. В. И. Ленин Рублёво водокачкаси ишчилари ҳузурида.

ДОҲИЙ КАБИНЕТИДА

Кремлда улуғ устозимиз Владимир Ильич Ленин номи билан боғлиқ бўлган жойлар жуда кўп.

1918 йили Ватанимиз пойтахти Москвага кўчирилади. Владимир Ильич уч кун ичида Кремлнинг сарой ва заллари билан танишади. У Кремлнинг ажойиб рус усталари қўли билан яратилган бебаҳо бойликларни эҳтиёт қилиб сақлашни маслаҳат беради, Кремль деворига кўтарилиб у ердан Москвани томоша қилади. Кремлнинг Спасская, Никольская ва бошқа башняларини бориб кўради, баъзи жойларни реставрация қилиш ҳақида кўрсатма беради.

Ҳозирда Кремлда дунёдаги миллионлаб кишилар учун энг азиз бўлган жой—Владимир Ильичнинг кабинетидир. Ленин бу ерда унинг ҳузурига келган ишчи ва деҳқонларни, халқаро ишчилар ҳаракатнинг машҳур арбобларини қабул қилган эди.

36 квадрат метр майдонни эгаллаган бу кабинетда ҳеч қандай ортиқча нарса йўқ. Иккита катта дераза кабинетни ёритиб турибди. Оддийгина ёзув столида сиёҳдон, прибор, ручка ва қаламлар, қоғоз қирқиш учун қайчи ҳам турибди. Икки телефон аппарати, кўк стол лампаси, тўрт кресло жануб ўсимлиги хамеропс ҳам Ильич кабинетидан жой олган.

Владимир Ильич кабинетидаги жовонларда китоблар, китоблар... Китоблар орасида Карл Маркс ва Фридрих Энгельснинг танланган асарлари, рус ва чет эл классик ёзувчиларининг классик асарлари... Газета комплектлари, турли материаллар, ҳужжатлар хат ва бланкалар ҳам шу ерда.

Ильич бу кабинетида 1918 йил 12 мартидан то 1922 йилнинг 12 декабригача ишлаган. Шу кабинетда «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари», «Буюк почин» «Пролетариат диктатураси ҳақида», «Коммунизмда болаларча «сўллиқ» касали», «Озиқ-овқат солиғи ҳақида» ва бошқа машҳур қатор асарларини ёзган. Шу кабинетда Марказий Комитетнинг машҳур қарорлари ва ҳужжатлари қабул қилинган.

Владимир Ильич кабинетида коммунистик ва ишчи ҳаракатнинг машҳур арбоблари Вильгельм Пик, Георгий Димитров, Василий Коларов, Богумир Шмераль, Антонин Запотоцкий ва бошқаларни қабул қилган, улар билан суҳбатлашган.

Ильич яшаган уй ҳам жуда оддий ва камтарона. Уч хонанинг бирида Ленининнинг ўзи, иккинчисида Надежда Константиновна, учинчисида эса Мария Ильинична яшаганлар.

Ҳамма учун энг азиз бу даргоҳга кишилар қалб амри билан келадилар. Ҳар бир киши доҳий кабинетида бўлиб, Ильич фойдаланган нарсалар, унинг шахсий буюмларини кўрар экан, буюк инсонга яна бир марта чуқур миннатдорчилик билдиради, ўзини бахтли киши деб билади.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам бу ерда бўлиш — катта бахт.

ЯНГИ ФИЛЬМЛАР

Киноленниана йилдан-йилга бойиб бормоқда. Кейинги йилларда Ленининнинг ҳаёти ва революцион фаолияти тўғрисида бирқанча фильмлар яратилди. Яқинда пойтахтдаги ҳужжатли фильмлар киностудияси ишлаб чиқарган «Париж. Ленин проспекти» номли фильм Иттифоқимиз экранлари билан бир қаторда чет эллардаги кўпгина кино-театрларда ҳам намойиш қилинди. Фильмда Ленининнинг Парижда бўлиши билан боғлиқ бўлган воқеалар ҳақида ҳикоя қилинади.

Кўп серийлик «Ленниниана»га киручи ҳужжатли фильмлардан «Кўк дафтар», «Бебаҳо қўлёзмалар», «Партия байроғи» кабилар томошабинларга тақдим этилди. Ана шу серияда ҳозирги кунларда «Учқундан аланга», «Ленин Лондонда», «Брест сулҳи кунларида», «Гражданлар уруши даврида», «Ленин қишлоқ хўжалигини тиклашнинг раҳбари», «Ленин ва маданий революция» каби фильмлар остида қизғин ишлар олиб борилмоқда.

«Ленниниана»га Иттифоқимизнинг кўпгина машҳур кино арбоблари, ёзувчи, тарихчи, олим ва давлат арбоблари жалб қилинган. Чет эллик дўстларимиз ҳам бу ишда актив иштирок этмоқдалар.

«Мосфильм» киностудияси ишлаб чиқараётган «Ленин Польшада» номли бадиий фильм катта ютуққа эришди. Сценарий автори Польшага бориб, улуғ доҳийимиз яшаган жойларда бўлган, уни таниган ва шахсан учрашган кишилар билан суҳбатда бўлган. Фильм буюк устознинг Польшада яшаган даврдаги воқеаларни акс эттиради. Доҳимиз ролини Ленин мукофоти лауреати, СССР халқ артисти Максим Штраух ижро этган. Бу фильмда кўпгина польшалик актёрлар ҳам қатнашган.

Яқинда экранларга чиқарилган «Революция номи билан» бадиий фильми ҳам Ленининнинг қизғин фаолиятига бағишланади.

М. Горький номидаги киностудияда улуғ доҳимизнинг онаси Мария Александровна Ульянова ҳақида ҳам бадиий фильм суратга олинмоқда. Оғир кулфатларни бошидан кечирган, ўз фарзандларининг революцион фаолиятига кўмаклашган бу килмас ирода эгаси бўлган Мария Александровна Ульянова ҳақида яратилаётган бу фильм «Она қалби» деб аталади. Мария Александровна ролини артистка Елена Фадеева ижро этмоқда.

Ленин ҳақида яратилган ва яратилаётган фильмлар ҳақида гапирар экамиз, ниҳоят «Ленфильм» студияси яратган «Биринчи Бастиллия» ҳақида ҳам гапириб ўтиш лозим. Ильичнинг ўсмирлик йилларини кўрсатишга бағишланган бу янги фильм Ульяновск (илгари Симбирск) ва Қозон шаҳрида суратга олинди. «Биринчи Бастиллия» музикали-романтик фильм бўлиб, у тез кунда экранларга чиқарилади.

«Ленфильм» киностудиясида «Бир планетада» деган фильм яратиш учун ҳам тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Улуғ доҳимиз ҳаёти ва фаолиятига бағишланган қатор янги фильмлар кўрикда ижобий баҳо олди.

Қ. АҲМЕРОВ,
Москва шаҳри.

УЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ XIII ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

МАДАНИЙ ТУРМУШ УЧУН

КЛУБЛАР — МАЪРИФАТ ЎЧОҒИ БЎЛСИН

Маданият ходимларининг қишлоқ меҳнаткашларига хизматини намунали ташкил этишдан заруррроқ иши бўлмаса керак. Айниқса, ҳозирги пайтда улар олдида шарафли вазифалар турибди. КПСС Марказий Комитети март Пленумида қайд этилганидек, маданият ходимларининг иши — халқимизнинг яратувчанлик ишининг бир қисми эмасми, ахир!

Қишлоқ клублари меҳнаткашларнинг маданий дам олишдаги энг севимли жойларидан биридир. Шунинг учун ҳам бу даргоҳлар қишлоққа оқшом кўниши билан кишилар билан гавжум бўлиб кетади. Чинакам маданият ўчоқларига айланган клублар Бекобод районидаги колхоз ва совхозларида ҳам анчагина.

Ҳозир районда бешта колхоз клуби, саккизта қишлоқ клуби бор. Район маданият уйи ҳам ўз фаолиятини жонлантириб юборган. Бу маданият ўчоқларида 40 дан ортиқ ходим аҳоли хизматида.

Клубларнинг кўпи яхши жиҳозланган. Бу даргоҳларда бўлган киши кўргазмали агитация материаллари, хўжаликлар ҳаётини акс эттирувчи диаграмма, плакат ва фотовитриналар билан танишади.

Район маданият уйи кўргазмали агитация материалларига айниқса бой. «Пахта — бизнинг бойлигимиз», «Фаровонлик йўлида» деган стендлар кўринарли жойларга осиб қўйилган. Китоб витриналари ҳам бор. Бу ерда савол-жавоб кечалари, учрашувлар тез-тез ўтказиб турилади.

Кечқурунлари эса концертлар қўйиб турилади. Бу томошалар маданият уйи ҳузурида ташкил этилган бадиий ҳаваскорлик тўгараклари аъзолари кучи билан ташкил этилмоқда. Шунингдек, «Правда», Ленин номли колхозларда ташкил этилган бадиий ҳаваскорлик тўгараклари фаолияти ҳам жонланиб кетди.

Район бўйича 16 та ҳаваскорлик тўгараклари ишлаб турибди. Уларга 300 га яқин киши актив қатнашяпти.

Колхоз клублари оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишлар ўчоғига ҳам айланган. «Победа» колхози ва Калинин қишлоқ советида ҳамда 1,2-«Далварзин» совхозлари клубларида маданият университетлари очилган.

Ленин номли колхоз ва 1-«Далварзин» совхози эса қишлоқ клубларининг Бутуниттифоқ кўригига қўшилиб, колхозчилар ўртасида кенг тарбиявий ишларни олиб боришмоқда.

Аммо, очиқ эътироф этиш керакки, райондаги айрим клублар ш у кунинг талаблари даражасида иш олиб боришмаяпти. Лекция ва суҳбатлар онда-сонда ўтказилади. Дзержинский номли колхоз клуби эса қаровсиз аҳволда. Клуб керакли диограмма ва стендлар билан тўла жиҳозланмаган. У жойлашган бино ремонт талаб бўлиб ётибди. Бироқ, ремонт иши сансалорликка тушиб қолган.

Клуб кинофикация бўлими ихтиёрига бериб қўйилган эди. Бўлим ремонт билан қизиқмайди. Устига-устак колхоз правлениеси ҳам бу ишга бош қўшмай қўйди. Икки ўртада клуб бир неча йилдан бери ремонт қилинмай келинмоқда. Бу, маданият ўчоғига эътиборсизлик билан қараш эмасми!

Бундан уч йил муқаддам «Коммунизм» колхозида типовой клуб биноси қурилабошланган эди. Бироқ, қурилиш чўзилиб кетди. Ҳозирда эса бу иш билан ҳеч ким қизиқмай қўйди. Аммо, колхозчилар унинг битишини сабрсизлик билан кутишяпти.

Клублар ишидаги бундай камчиликларнинг содир бўлишида район маданият уйи ҳам айблидир. Чунки, у маданият ўчоқлари учун методик ёрдам кўрсатувчи чинакам марказ ролини ўйнаши керак. Ваҳоланки, маданият уйи раҳбарлари (директори ўртоқ Пешаков) ўз вазифаларига совуққонлик билан қараб келишмоқда. Кейинги бир йил ичида маданият уйи томонидан жойларда клуб мудирлари учун семинарлар ўтказмадилар. Улар райондаги маданият ўчоқларида камдан-кам бўладилар, методик ёрдам кўрсатмайдилар.

Район маданият бўлими (мудири ўртоқ Машеев) клублар иши билан кам қизиқаётганлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Қишлоқда маданий-оммавий иш олиб борши юзасидан зарур тадбирлар белгиланмаган. Маданият ўчоқлари бошлиқларининг ҳисоботлари эшитиб турилмайди.

Қишлоқ ва колхоз клублари меҳнаткашларни юксак гоявийлик руҳида тарбиялаш учун кураш ишида муҳим роль ўйнашини сира унутмаслигимиз керак.

А. ИЗВОЛЬСКАЯ,
Область халқ ижоди уйининг методисти.

Тошкентдаги 15-бирлашган болалар поликлиникаси ва касалхонаси хизматидан беморлар беҳад хурсанд. Бу шифохонада даволашнинг илғор методларидан самарали фойдаланилмоқда.

Касалхона медицина коллективи болали оналар ўртасида ҳам яхши ишлар олиб бормоқда. Бу ерда «Меҳрибон оналар, буларни билиб қўйинг», «Кичкинтойлар саломатлиги ҳақида» каби тематик кўргазмалар ташкил этиб турилади. Бу кўргазмаларга медицина темаларида янги нашр этадиган турли брошюра ва қўлланмалар ҳам қўйилади.

Шифохона медицина ходимлари маҳаллаларда ҳам тез-тез бўлиб, ота-оналар ўртасида мазмунли суҳбатлар ўтказишади. Сиз бу суратда (чапдан ўнгга) врач О. Эшмуротова билан бош ҳамшира З. Мираюповаларни кўриб турибсиз. Улар беморларни қабул қилиш учун ҳозирлик кўришяпти.

А. Тўраев фотоси.

ҚИШЛОҚ МУХБИРЛАРИ ҲАБАР БЕРАДИЛАР

ЭЛГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ

КУРИБ ҚУВОНАСИЗ

Партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ меҳнаткашларига кўрсатиб келаётган оталарча ғамхўрлиги натижасида колхозчиларнинг маданий-маиший турмуш шароити тобора яхшиланмоқда, қишлоқларимизнинг қиёфаси ўзгариб, обод бўлиб бормоқда. Калинин районидаги Ленин қишлоғининг бугунги кўрки ҳар қандай кишини ўзига мафтун этади. Қишлоқ кўчаларининг икки бетида салобат тўкиб турган 200 дан ортиқ янги уйларда колхозчилар оиласи фаровон ҳаёт кечиришмоқда. Қишлоқда киши учун нималки зарур бўлса ҳамма нарса муҳайё. Бу ерда тўртта медпункт, бир амбулатория, аптека, касалхона, болалар боғчаси ва бошқа муассасалар бор.

Қишлоқнинг «Ёш ленинчи» участкасида янги типовой чойхона, сартарошхона қуриб фойдаланишга топширилди. Ўн километрдан ортиқ қишлоқ йўлларига шағал ётқизилиб текислаб берилди. Яқин кунларда қишлоқда яна битта 25 койкали касалхона, битта болалар боғчаси ва иккита болалар яслиси қуриб колхозчилар ихтиёрига топшириш мўлжалланмоқда.

— Қишлоғимизнинг қиёфаси, — деб ҳикоя қилади қишлоқ советининг раиси Отақўзи Каримов, — бу йил қад кўтарадиган янги маданий-маиший объектлар ҳисобига яна ҳам ўзгаради. Жумладан, ёзги кинотеатр биноси, «Ёш ленинчи» участкасида эса катта магазин қуриб фойдаланишга топширилади. Ўзбекистон КП Марказий Комитети XIII пленумининг қарори бизни ана шунга даъват этмоқда. Қишлоғимизнинг келажаги порлоқ. Биз аҳолининг маданий-маиший шароитини яхшилаш йўлида бундан кейин ҳам астойдил ҳаракат қиламиз.

Х. ЖАЛИЛОВ.

КОЛХОЗЧИЛАР МИННАТДОР

КПСС Марказий Комитетининг март Пленумида шаҳар билан қишлоқ савдоси ўртасидаги тафовутнинг бўлмаслиги ҳақида қувонарли гап айтилди. Бу қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган оталарча ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир. Ўрта Чирчиқ район Ўртасарой қишлоғидаги магазинларда колхозчиларнинг ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб саноат молларини кредитга сотиш тартиби жорий қилинди. Бу қулайликдан қишлоқ аҳолиси ғоят миннатдор бўлмоқда.

Б. УМАРОВ.

ЖОНКУЯР ДЕПУТАТЛАР

Оржоникидзе районидаги Қоравой қишлоқ советининг депутатлари аҳолининг қишлоқда маданий-маиший объектлар ташкил қилиш юзасидан топширган наказаларини бажаришда жонкуярлик қилмоқдалар. Депутатларнинг ҳаракати ва ташаббуси билан қисқа вақт ичида қишлоқда медпункт, колхозчи ёшлар учун кечки мактаб биноси қурилди. Қишлоқда еттита дала шийпони қурилиб, электрлаштирилди.

Бу йил сайловчилар накази билан қишлоқда янги типовой касалхона биноси қурилади ҳамда қишлоқ кўчаларига шағал ётқизиб текисланади.

Р. МИРАЪЗАМОВ.

ТУЯ ГЎШТИ ЕГАН ҲАММОМ

Оққўрғон районидаги қурилиш конторасиҳ раҳбарлари бундан роса беш йил илгари Карл Маркс номли колхозда ҳаммом қуриб беришга киришишган эдилар. Бўлажак ҳаммомнинг деворлари кўтарилди-ю, қурувчилар хайр-хўшни насия қилиб, сувга тушган тангадек ғойиб бўлиб кетишди. Шундан буён колхоз аъзолари: «Бу қурилиш туя гўшти еган бўлса керак...» деб юришибди.

Қурилиш конторасиҳ раҳбарлари ҳаммом қурилишини қачонгача чўзишаркин, ёки улар ҳам туя гўшти ейишганмикин?!

Қ. САНДОХУНОВ.

УЛУҒ ҒАЛАБАНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

Тошкент журналистлари 7 апрелда Округ офицерлар уйининг залларидан бирига тўпландилар. Улар гитлерчилар Германияси устидан қозонилган ғалабанинг 20 йиллиги арафасида Туркистон Ҳарбий округи қўмондонлигининг намояндалари билан учрашдилар. Бу учрашувни Журналистлар союзининг Тошкент бўлими уюштирди.

Округ қўшинларининг қўмондони армия генерали И. И. Федюнинский ва Ҳарбий Кенгаш аъзоси—округ сиёсий бошқармасининг бошлиғи генерал-лейтенант Н. С. Демин матбуот ходимлари олдида сўзга чиқдилар. Улар мамлакат Қуролли Кучларининг ҳозирги аҳволи тўғрисида, округ жангчиларининг ҳаёти ҳақида гапириб бердилар. Бу жангчилар мамлакат Қуролли Кучлари жанговар ва сиёсий тайёргарлик соҳасида эришаётган муваффақиятлари билан Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларининг шонли традицияларини кўлайтирмоқда л а р, социалистик Ватанимиз қудратини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Учрашув вақтида қизиқарли бир факт келтирилди. Ҳарбий шуҳрат музейини ташкил қилиш учун гитлерчи фашистларга қарши олиб борилган жангларда ишлатилган қурол зарур бўлиб қолди. Лекин бутун округда бундай қуролни топиб бўлмади. Барча совет қўшинлари сингари округ жангчилари ҳам ҳозирги вақтда биринчи даражали техника билан таъминланган. Округ ҳарбий қисмларида олий ва ўрта маълумотли солдатлар кўп.

Армия ҳаётини доимо ва малакали ёритиш, армия билан халқ ўртасидаги алоқанинг янада мустаҳкамланишига бутун чоралар билан ёрдам бериш — журналистларнинг фахрли бурчидир. Ҳар қандай агрессорга қақшатгич зарба беришга, мамлакатимиз ва бутун социалистик лагерь халқларининг буюк ғалабаларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга тайёр турган жангчиларимизнинг ҳозирги кундаги ишлари тўғрисида матбуотда, радио ва телевидение орқали тез-тез гапириб бериш керак. Учрашувда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасида матбуот вазифаларига катта эътибор берилди.

Учрашув қатнашчиларига Совет Армияси қисмлари ва бўлинмаларининг жанговар тайёргарлиги тўғрисида кинофильмлар кўрсатилди. (УзТАГ).

Суратда: учрашув пайти.

Б. Мазур фотоси.

ЯНГИЛИК ЖАРЧИСИ

Кимё Ғаниева ўзи ўқитаётган синфда деярли ҳар йили тўлиқ ўзлаштиришга эришади. Ўз-ўзидан маълумки, ўқувчиларнинг қобилиятлари, хулқ-атворлари бир-бириникига ўхшамайди. Шунга қарамай, давомат ҳамиша бир хил бўлади, синфи тўла ўзлаштиради. Бу натижага осонликча эришаётгани йўқ у. Шунинг учун ҳам меҳрибон қалб эгасини Октябрь районидаги 38-мактаб педагогик коллективи жуда ҳурмат қилади.

Кимё Ғаниева ғамхўр ўқитувчи ва ёшу-қари ўртасида обрў-эътибор қозонган актив жамоатчи ҳамдир. У ўзи истиқомат қилаётган «Янги шаҳар» маҳалласидаги хотин-қизлар Советига 15 йилдан буён раислик қилиб келади.

Маҳалла аҳолиси, айниқса хотин-қизлар шунинг учун ҳам уни чин юракдан ҳурмат қилишади. Чунки у кишилар қалбига йўл топаолган яхши ўртоқдир.

Хотин-қизлар Советининг фаолияти кўпқиррали. Совет аёлларни коммунистик руҳда тарбиялашда ва уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишда маҳалла комитетига ёрдам бермоқда, мустаҳкам ва аҳил оила учун курашмоқда.

Хотин-қизлар Совети маҳалла комитети ёрдами билан болалар ва ўсмирлар учун фото, музика, ёш туристлар тўгараклари ташкил этди.

Маҳаллада ота-оналар лекторийси иш бошлади. Ўтган йилнинг ўзида лекторий кучи билан турли темаларда 76 та лекция ўқилди. Уларнинг 25 таси хотин-қизларга таллуқли темаларда бўлди.

Хотин-қизларнинг қизиқишлари ҳар хил, улар турли масалаларни билгилари келади. Шунинг учун ҳам Кимё опа лекция-суҳбатларга кўпчиликни қизиқтираётган темаларни танлашга алоҳида эътибор беради.

Маҳалла клубига ҳафтада икки марта кўп болали оналар, студент қизлар, юқори синфларда ўқийдиган қизлар йиғилишади. Улар маҳалла ҳузурида ташкил этилган бичиш-тикиш тўгарагида қатнашадилар. Бу тўгаракни яқинда 40 дан ортиқ аёл тамомлаб чиқди.

Совет иш фаолиятидаги характерли томонлардан яна бири шуки, хотин-қиз активлар билан алоқа яхши йўлга қўйилган. Совет ёрдамга муҳток хотин-қизларга ўз вақтида кўмаклашади.

Совет маҳалла комитети ва кекса коммунистларнинг ёрдамига таяниб, ҳар бир хотин-қизнинг ижтимоий ҳаётга актив қатнашишига эришмоқда. Масалан, Зуҳра Исмоилова бирон ерда ишлаб жамиятга фойда келтиришни жуда хоҳларди. Бир куни у ўз орзу-истагини Кимё опага келиб айтди. Бу хушфеъл, меҳрибон аёл унга ёрдам берди. Зуҳра ҳозир 27-болалар боғчасида ишламоқда.

Ёш аёллар Латофат Йўлдошхўжаева, Зуҳра Комиловаларга таъсир кўрсатган ҳам ана шу самимий қалбли Кимё Ғаниева бўлди. Улар ҳеч қаерда ишламас, уй ишлари билан ўралашиб қолишган эди. Кимё опа билан бўлган суҳбатдан сўнг улар ишлаб чиқаришга боришга истак билдиришди. Ҳозир улар Тошкент нон-кондитер комбинатининг илғор ишчилари.

— Советимиз оилавий масалалар билан ҳам шуғулланмоқда, — дейди ўртоқ К. Ғаниева. — Нега десангиз, баъзан арзимаган майда-чуйда гаплар орқасида туппа-тузук оила бузилиб кетишгача бориб қолади. Шунда масаланинг моҳияти текширилиб, тўғри хулоса чиқарилса, эр ёки хотинга ётиғи билан тушунтирилса, ўринли маслаҳат берилса оила мустаҳкамланиши турган гап.

Хотин-қизлар Совети маиший масалалар билан шуғулланишни ўзининг асосий вазифаси деб ҳисоблайди. Энг яхши оилалар ўрнак қилиб кўрсатилади. Бу тарбиявий тадбирлар оилаларда тотувлик ва яхши муносабатларни вужудга келтирмоқда.

Шуниси характерлики, ўтмиш сарқитларига берилган айрим шахсларни фош қилишда, уларни тарбиялашда аёлларнинг ўзлари ҳам актив қатнашмоқдалар.

Маҳалла активлари ва хотин-қизлар Советининг ташаббуси билан ўғил уйлантириш, қиз чиқаришдаги ортиқча харажатлар, исрофгарчиликлар, ҳар қандай керексиз олди-бердилар ва тўй кийгизишларга чек қўйилди. Тўйлар янгича, маданий тарзда маҳалла клубида ўтказилмоқда.

Э. САЛИМОВА.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ МАРТ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ПРОГРАММАСИ

Колхозимиз аъзолари КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленуми қарорларини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар, мамлакат қишлоқ хўжалигини тараққий эттириш, меҳнаткашлар моддий-маданий фаровонлигини янада яхшилашга қаратилган тадбирларни якдиллик билан мақулламоқдалар.

Бизнинг қишлоқ хўжалик артелимиз кейинги йилларда қолоқликдан чиқиб, пешқадам колхозлар сафидан ўрин олди. Иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланди, колхозчилар бадавлат бўлиб қолишди. Бундай муваффақиятга сабзавот, картошка, чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш туфайли эришдик. Шу ўринда айрим мисоллар келтираман. **Колхоз бўйича 1962 йилда ҳар гектар ердан 4 тоннадан жами 1100 тонна картошка тайёрланган бўлса, 1964 йилда ҳосилдорлик гектар бошига 9.7 тоннани ташкил этди, экин майдонининг бир қисми алмашлаб экиш схемасига мувофиқ бошқа экиналарга бўшатиб берилган бўлса ҳам 1670 тонна картошка тайёрланди. Наримон Абдуллаев, Шоқосим Шорустамов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 12—13 тоннани ташкил этди.**

Бундай муваффақиятнинг «сири» нимада? Шахсий манфаатдорлик принципига қаттиқ риоя қилиниши, давлат манфаати билан шахсий манфаатни бир-бирига уйғунлаштириб борилишидадир. Яхши меҳнат қилиб, юқори ҳосил етиштирдингми, маҳсулот етиштириш юзасидан белгиланган планларни сон ва сифат кўрсаткичлари бўйича бажардинг-ми, кўп ҳақ олиб қандингни ур! Биз масалани ана шу тарзда қўйдик.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг «СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасидаги энг зарур вазифалар тўғрисида» қабул қилган қарорида бундай дейилади:

«...Одамлар ҳақида, колхоз ва совхозларнинг экономикасини ривожлантириш тўғрисида, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш, шу маҳсулотларнинг таннархини арзонлаштириш ва ишлаб чиқаришдаги барча тармоқларнинг рентабелли бўлишини таъминлаш ҳақида кун сайин ғамхўрлик қилиш колхоз ва совхозларнинг фаолиятида асосий ва белгилаб берувчи нарсадир».

Бу, биз колхозчи-деҳқонларнинг айни муддаоимиздаги гапларидир. Одамлар ҳақида яхши ғамхўрлик қилинса, уларнинг меҳнати қадрланса, активлик ва ташаббус кўрсатишлари учун шароит яратиб берилса, таклиф ва мулоҳазаси қўллаб-қувватланса, улар жонбозлик кўрсатиб ишлайдилар.

Нортожи Мирзаев бошлиқ звено аъзолари ўтган йили ҳар гектар ердан 25 тоннадан помидори етиштириш юзасидан мажбурият олишган эди. Улар кутилгандан ҳам юқори — ҳар гектар ердан 35 тоннадан помидори ҳосили олдилар. **Помидори ҳосилдорлигини оширганлиги, сортининг юқори бўлишини таъминлаганлиги, таннархини камайтирганлиги учун звено аъзоларига асосий иш ҳақидан ташқари 10,5 тонна помидори қўшимча ҳақ сифатида берилди.**

Мадолиқ Алиев бошлиқ звено ҳосилдорликни оширишда олдинги ўринда бораяпти. Кейинги беш йилда сабзавот етиштириш планларининг ҳамма турлари бўйича тўла ва ошириб бажаряпти. Ернинг «тили»ни яхши билган мирзакорлар оз маблағ ва ишчи кучи сарфлаб, кўп маҳсулот етиштиряпти. Юқори ҳосил эса катта даромад келтиряпти. Масалан, **звено ўтган йили тарвуз ва пиёз тайёрлаш планларини қарийб 150 процент бажарди. Гектаридан планда кўзда тутилгандан 6—7 тонна знёд маҳсулот олди. Ана шу ҳалол меҳнат эвазига звено аъзоларига асосий иш ҳақига қўшимча 16 тонна тарвуз, қўплаб пиёз берилди. Звено бошлиғининг ўзи 2 тоннадан знёд тарвуз ва 3 тоннага яқин пиёз мукофот олди.**

Бундан чиқадиган хулоса шуки, давлат манфаати билан шахсий манфаат бир-бирига уйғунлаштириб борилса, колхозчиларга белгиланган пул ва натура ҳақи вақтида берилса маҳсулот етиштиришни кескин кўпайтириш мумкин.

Пленум ҳужжатларида маҳсулот етиштириш юзасидан қатъий планлари белгилаб қўйиш кераклиги таъкидланади. Бу жуда тўғри. Хўжалик, бригада ёки звено қанча маҳсулот етиштириши, уни қайси муддатларда давлатга сотишни олдиндан билса, колхозчилар

С. ҚОРАБОЕВ,
Калинин районидаги «Октябрь» колхозининг раиси

<> <>

шунга қараб иш тутади. Планни ошириб бажарса қўшимча ҳақ олишини билгач янада ғайрат билан ишлайди. Лекин бунда белгиланган топшириқлар умумдавлат планидан кам бўлмаслиги шарт. **Биз колхозчилар билан келишиб шундай тартиб белгилаганмиз: бригада ёки звено белгиланган планни сон ва сифат кўрсаткичи бўйича тўла бажарса, шартномада кўрсатилган пул ва натура ҳақини олади. Борди-ю бажармаса, етиштирилмаган маҳсулотнинг қиймати ўша бригада ёки звенога тегишли ҳақдан чигириб ташланади. Ошириб бажарса қўшимча ҳақ тўланади.** Ана шундай тартиб жорий қилиниши хўжаликка ҳам, колхозчиларга ҳам жуда катта фойда келтиради. Энг муҳими маҳсулот кўпаяди. Буни қуйидаги мисоллардан кўриш мумкин.

Биз бригадалардаги ички имкониятларни ҳисобга олиб, бригада бошлиқлари билан маслаҳатлашиб сабзавот етиштириш юзасидан конкрет планлар туздик. Бу планлар бригада ва звено аъзолари орасида муҳокама қилиниб мақулланди. Шундан кейин ҳамма амалий ишга киришди. Колхозчилар ўзининг вазифасини конкрет тарзда билиб олгач, резервларни қидириб топа бошлади ва ишга солди. Натижада сабзавот етиштириш кескин кўпайди. **1962 йилда 2306 тонна сабзавот тайёрланган бўлса, 1964 йилга келиб бу рақам 3107 тоннага етди.**

Пленум ҳужжатларида чорвачиликни рентабель тармоққа айлантириш бутун жамоатчиликнинг жонажон иши эканлиги алоҳида уқтирилган. Колхозимиз райондаги йирик чорвадор хўжаликлардан бўлганлиги сабабли бу соҳадаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида гапириб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Бизда чорва маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш йилдан-йилга кўпайяпти. **1962 йилда давлатга 46 тонна гўшт сотилган бўлса, ўтган йили 69 тонна гўшт етказиб берилди.** Хўжалик ўзининг ички эҳтиёжи учун гўшт тайёрлаш топшириғини ҳам адо этди. Ёки сут тайёрлашни олиб кўрайлик. **Чорвадорларимиз бундан икки йил олдин она-Ватанга 232 тонна сут армуғон этган эдилар. 1964 йилда эса 293 тонна сут етказиб бериб, катта ғалабани қўлга киритдилар. Бу йил 305 тонна сут сотишга аҳд қилдилар. Давлатга сут сотиш биринчи квартал топшириғи анча ошириб адо этилди.**

Чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришдаги омиллар нималардан иборат, деган савол туғилиши турган гап. Чорва фермалари ишнинг кўзини биладиган, ташкилотчи кадрлар билан мустаҳкамланди. Коммунистлар, комсомоллар фермага ишга юборилди. Ферма ходимлари орасида мутахассислар кўпайди. Оғир меҳнат талаб қиладиган ишлар комплекс механизациялаштирилянти. Чорва моллар озуқа базаси мустаҳкамланди. Янги чорва бинолари қурилди. Ана шу тадбирлар гўшт, сут етиштиришни кўпайтиришда катта роль ўйнади, албатта.

Чорва маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтиришда шахсий манфаатдорлик принципига қаттиқ риоя қилинаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Правление ва колхозчилар умумий мажлисининг қарорига асосан ҳар бош соғин сигирдан 2,200 литрдан сут соғиб олиш планлаштирилган. Сут соғувчи шу топшириқни бажарса, ишлаб чиқариш планида белгиланган пул ва натура ҳақини олади. Бажармаса бериладиган ҳақдан чигириб қолинади. **Ошириб бажарганда эса пландан ташқари соғиб олинган сутнинг 75 процента сут соғувчига мукофот қилиб берилади.**

Чорва маҳсулотлари етиштириш юзасидан қатъий планларнинг белгилаб қўйилиши, колхозчилар шахсий ёрдамчи хўжалигида мол боқишга доир чеклашларнинг бекор қилиниши, чорва маҳсулотлари асосий нархларининг оширилиши, план ташқари маҳсулотларни оширилган нарх билан харид қилиш системасининг жорий этилиши партия ва ҳукуматимизнинг колхозчи-деҳқонлар тўғрисида кун сайин қилаётган оталарча ғамхўрлигининг янги ёрқин мисолидир.

КПСС Марказий Комитети Пленуми қарорларидан илҳомланган колхозимиз аъзолари чорва маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, таннархини камайтириш учун астойдил кураш бошладилар.

Областимизнинг соҳибкорлари токлар парваришини қизғин олиб бораётган. Суратда: «Ҳалқобод» комбинатининг илғор соҳибкори ўртоқ Карим Юсупов ток новдаларини тарамоқда.

Қ. РОЗИҚОВ фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси)

ИШ ҚИЗҒИН

БУ ЙИЛ Киров номли колхоз аъзолари она-Ватанга олти тонна пилла етиштириб беришга аҳд қилишди. Улар ўз сўзларининг устидан чиқиш учун ҳозирдан бошлаб ҳаракатга тушишди. Колхозда тажрибали пиллачилардан иборат 41 та звено тузилди. Улар қурт боқиладиган биноларни ремонт қилишяпти сўкчакларни тайёрлашяпти.

Ипак қуртининг озуқаси бўлган тут баргини кўпайтириш юзасидан ҳам зарур чоралар амалга оширилмоқда. Эскі тутларнинг таги юмшатилиб қўйилди. Уларни зарарли ҳашоротлардан сақлаш мақсадида химиявий дорилар сепилмоқда. Колхозчилар тутзорларни кўпайтиришга ҳам ҳаракат қилмоқдалар. 20 минг тупга яқин тут кўчати ариқ ёқаларига, увот четларига ўтказилиб қўйилди.

А. АБДУРАҲМОНОВ,
Янгийўл райони.

ҚЎЗИЛАТИШ ПЛАНИ ОШИРИБ БАЖАРИЛДИ

ТОШКЕНТ, (Телефон орқали олинди). «Коммуна» колхозининг чорвадорлари қўзилатиш кампаниясини муваффақиятли ўтказишга ҳаракат қилмоқдалар. Шу кунларда чорвадорларнинг отарларида совлиқлар қўзиламоқда. Чорвадорлар бу йил 1997 қўзи олишни планлаштирган эдилар. Совлиқлар яхши боқилиб, меҳр билан парвариш қилингани учун ҳам 2090 қўзи олинди. Ч. Аҳмедов, С. Мўждабоев ўртоқларнинг отарларида қўзилатиш кампанияси яхши кетяпти. Моҳир чўпонлар ҳозир ҳар юз бош совлиқдан 118—111 қўзи олишди.

Чорвадорлар қўшимча равишда яна 500 бош қўзи олишни мўлжаллаб туришибди.

А. РАҲИМБЕРДИЕВ.

НАРЯДСИЗ ИШЛАШ АФЗАЛ ЭКАН

Мен 15 йилдан буён тракторчи бўлиб ишлайман. Лекин шу тракторчининг қўлидан қанчалик катта ишлар келиши мумкин эканлигига кейинги бир-иккі йилдан бери жуда яхши тушуниб олдим. Бригадада оддий тракторчи бўлиб ишлаганингдан кейин «ложи борича кўпроқ гектар ишласам» деб ўйлайсан киши. Сенинг ихтиёрингга нарядсиз ишлайдиган, комплекс-механизациялашган звенони топшириб қўйишганидан кейин эса «кўп гектар ишламасам ҳам ғўзани яхшилаб парвариш қилай» деб ўйлар экансан. Чунки ғўза қанча яхши парвариш қилинса, шунча кўп ҳосил беради. Ҳосил кўпайса оладиган даромадинг ҳам кўп бўлади. Ана шунинг учун ҳам нарядсиз ишлашнинг афзаллиги жуда катта экан.

Ўтган йили бизнинг звеномизда ўн киши ишларди. Ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 30 центнердан хирмон кўтардик. Менинг ўзим машина билан 80 тоннадан ортиқ пахта тердим. Йилнинг охирида бундоқ хомчўт қилиб кўрсам, йиллик даромадим 1850 сўмдан ошиб кетибди. Звеномиз аъзоларининг ҳар бири 1200—1500 сўмдан даромад қилди.

Бу йил нарядсиз ишлашнинг энг нозик томонларини ҳам эгаллаб олишга ҳаракат қиляпмиз. Звеномизда бултурги ўн киши ўрнига олти киши қолди. Шу олти киши билан ҳар гектар ердан пландаги 24,5 центнер ўрнига 35 центнердан, ҳаммаси бўлиб 171,5 тонна «оқ олтин» етиштирмоқчимиз. Бултур машиналар билан йиллик планда белгиланган пахтанинг ҳаммасини теріб олган эдик. Бу йил эса етиштириладиган ялпи ҳосилнинг камида 85—90 процентини «зангори кема»лар билан теріб олишга қатъий аҳд қилдик. Бу даражага эришиш айтишгагина осон. Лекин амалда эришиш учун ишнинг кўзини билиб иш юритиш керак.

Деҳқонларимиз машина теримига ҳозирданоқ қизғин тайёргарлик кўришяпти. Ёлар кафтдек қилиб текисланмоқда. Чунки машина текис ерда жуда яхши ишлайди. Тупроқдаги намни тўла сақлаб қолиш мақсадида ёларимизни алдақачон борона қилиб қўйгандик. Юз тоннадан ортиқ компост тайёрланган. Илғорларнинг тажрибасига амал қилиб бу йил чигит экиш билан бир вақтда ҳар гектар ерга юз килограммдан селитра солиб кетяпмиз. Кейин вегетация даврида илгаригидек уч марта эмас, икки марта озиқлантирамиз. Биз ҳисоблаб чиқдик, шундай қилсак ғўзани озиқлантириш илгаригидек июль ойигача чўзилиб кетмасдан, июнь ойидаёқ тугалланар экан. Бунинг аҳамияти катта албатта. Чунки, озиқлантириш эрта бўлса, пахта ҳам эрта пишади. Бундан ташқари ғўза барглари тез пишади, дефолиация пайтида осонгина тўкилади. Маълумки, ғўза тупларида бирорта ҳам барг қолмаса, машина пахтани тез ва тоза теради.

Мен ўз агрегатимни шай қилиб қўйгандим. Ер етилиши биланоқ ишга қизғин киришиб кетдик. Чигит экишни узоғи билан бир ҳафта ичида тамомлашга бутун кучимизни сарфлаймиз.

С. ҲАЙДАРОВ,
1-«Далварзин» совхози 4-бўлимининг комплекс-механизациялашган звеноси бошлиғи.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКАСИ ВА ФАНИ ЯНГИЛИКЛАРИ

АГРОХИМИЯ ХИЗМАТИ МАШИНАЛАРИ

СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг «Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш» павильонида ўғит тайёрлайдиган ва уни ерга соладиган ёнгирматадан ортиқ янги машиналар намойиш қилинмоқда.

«УПР-5» типидаги стационар установка шу машиналар жумласидандир. Бу установка турли хил ўғит ва заҳарли дориворларни майдалайди ва аралаштира олади. У бир соат ичида сочилувчан ёки суюқ моддани қайта ишлайди. Установка бу ишлардан ташқари ўғитни самолётга ёки ерда юрадиган транспортга ортиб бериш ҳамда минераль тузлар ва заҳарли дориворларни сақлаш вазифаларини ҳам бажаради.

Экиш олдидан ерга ўғит соладиган қаторли дон-ўғит сеялкаси «4-СЗКП-24» деб аталади. Унинг ҳажми катталаштирилган бўлиб, 1600 куб дециметрни ташкил этади.

Деҳқонлар ва механизаторлар павильонда «УТО-2» типидаги янги чанглагич машинаси билан ҳам танишишлари мумкин. Бу агрегат шу хилдаги бошқа машиналардан анча унумли бўлиши билан ажралиб туради. У қоришмани қарийб ўн баравар кам сарфлайди. Чунки янги агрегат ротор-турбина ёрдами билан жуда майда заҳарли дориворнинг тумани ҳосил қилади.

САБЗИНИНГ ҲОСИЯТИ

Чернигов областидаги «Октябрьская победа» колхозида бузоқлар ва чўчқа болалари ҳамиша соғлом бўлиб ўсади. Бунга қандай қилиб эришилаяпти, деган саволга колхоз чорвадорлари бу натижага эришувда «қизил витаминлар» ёрдам бермоқда, деб жавоб қайтаришади. Улар сабзини шундай деб аташади. Колхоз чорвадорлари комбинациялаштирилган силос тайёрлашда сабзидан фойдаланмоқдалар, бўғоз ва соғиладиган сигирлар, она чўчқалар ва ёш молларга сабзи едирмоқдалар.

Қишлоқ хўжалик артели «қизил витамин»дан фойдаланиш натижасида чорва молларнинг яхши, соғлом бўлишини таъминлади ва ўтган йили ҳар юз гектар ер ҳисобидан сўйилган ҳолда 76,1 центнердан гўшт етиштирди.

Областдаги кўпгина хўжаликлар чорва молларга сабзи едирмоқдалар. Полесье ерларида сабзи яхши етилади — ҳар гектар ердан 300 ва кўпинча 400 центнердан ҳосил олинади.

ЛАВЛАГИ ИЎЛДА ТОЗАЛАНАДИ

Трактор лавлаги билан тўлдирилган тўрли «цистерна»ни тортиб бормоқда. Цистерна пўлат симлардан тайёрланган бўлиб, лавлагига ёпишиб қолган лойтупроқлар ана шу тўрлардан тушиб кетади. Трактор даладан қабул қилиш пунктига етиб боргунча цистернадаги лавлаги тупроқдан тоза бўлиб қолади.

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот институтининг ходимлари ана шу транспорт агрегатини таклиф қилишди. Тажрибалар агрегатдан фойдаланилиш лавлагини тозалаш ва ювиш учун қилинадиган ҳаражатни 2-3 баравар камайтиришини кўрсатди.

САЛОМАТЛИК ЖОНКУЯРЛАРИ

БУ ВОҚЕА Тошкентдаги химия-фармацевтика заводида рўй берди. Шу заводда цех бошлиғи бўлиб ишлаб турган собиқ мактабдошим Абдуғанини кўргани боргандим. Заводнинг оддий қоровулидан тортиб, директоригача оқ халат кийиб юрганини кўриб, ажабландим:

— Худди врачларга ўхшайсизлар-а, — дедим ҳазиллашиб.

— Врачлардан қаеримиз кам, — у ҳозиргина фасовка қилинган олиб чиқилган дориларни коробкаси билан ёнимга суриб қўйди, — биз ҳам кишилар саломатлиги йўлида ишлаяпмиз-да.

Кичик коробкалардаги таблеткаларни бирма-бир ўқиб кўрдим: «фитин», «рутин», «псорален»...

— Манаву «фитин» билан қандай касалликлар даволанади?

Абдуғани таблеткани қўлимдан олиб, тикилиб қаради.

— Бу дори ёш болаларнинг нормал ўсиши, нерв системасининг яхши ишлаши учун лозим бўлган элементларни сақлайди ўз составида. Шунинг учун ҳам болалар рахит касали билан оғриганда, ёки организм фаолияти сусайиб кетган жолларда ана шу дори ишлатилади. Ҳозир асаб касалликларини ҳам даволашяпти «фитин» билан.— У ўрнидан туриб, шкафни очди ва кичик бир тахсимчадаги кепаксимон нарсани олиб, ёнимга қўйди. — Фитин олинадиган хомашё шу. Шолининг чиқиндиси.

— Шолининг чиқиндиси ҳам дори денг ҳали? — Кепакни кафтимга олиб эзиб кўрдим.

— Ҳа, балли. Гуруч заводидан келтирилган бу хомашё катта чанларда кислота эритмаси билан қовиштирилади... Қўйингчи, дори бўлиб тайёрлангунча кўп чиғриқдан ўтади. Истасангиз юринг цехга кирамиз. Ўз кўзи билан кўрганга не етсин!

ХИМИЯ цехига бошлашиб кирдик. Ишчилар ўз станоклари ёнида иш билан банд. Баҳайбат реакторлар бир меёрда ишлаб турибди. Баланд бўйли, оқ-сариқдан келган жувон дам қайнаб етилган хомашёнинг фильтр машиналарга ўтиб тозаланишини, дам суюқ ҳолдаги иссиқ эритмани кристаллизаторларда совутилишини кузатади.

— Кнопкани босманг, етилгани йўқ ҳали. Градусник фарқига бориш керак. Ўнсаккиз даражага бормагунча совутишдан тўхтатманг!

У қорачадан келган, ўрта бўйли, кўзлари кулиб турган қизга — аппаратчига яқинлашади, нималар ҳақидадир гапиради. Аммо машина шовқинида нима деганини эшитолмайман. Аёл аппаратчи қизни кичик реактор ёнига бошлаб бориб, машина ойнаси ичида чайқалиб турган суюқликни кўрсатади. Фильтрдан ўтаётган эритмани колба (шиша идиш)га олиб, тиниклигини текширади.

Биз унинг ҳаракатларини ҳавас билан кузатамиз. Цехда ишлаётган ҳар бир ишчига ўзига яраша муносабатда бўлади. Ким нима билан шуғулланаяпти — яхши билади.

— Цех бошлиғими?

— Йўқ, смена бошлиғи, — дейди Абдуғани катта реактор ёнидан дераза томон мени бошлар экан.

ИЖОДИЙ МЕҲНАТ КИШИЛАРИ

Биз смена бошлиғига яқинлашамиз. Кўзларимга иссиқ кўринади у...

— Ҳалима Ғиёсовна! — танишар экан, шундай деб қўл узатди.

ХАЛИМА Ғиёсовна билан бошлашиб цехдан чиқдик. Ориққина қоматига яраши турган халати барига илашган «фитин» порошоги гардларини қоқар экан, кулди:

— Тегирмонга ўтган эдим ҳали. Бордан юқади дейишади-ю, пайқамабман илашганини.

— Тегирмон узоқми бу ердан?

— Йўқ, шу ерда, заводимиз территориясида. Хўв, муюлишдаги катта бино, — трубаси кўкка бўй чўзган бинога ишора қилди Ҳалима, — биз ишлаган «рутин» билан «фитин» ҳам, порошок ҳолига келтирилиши лозим бўлган бошқа дори-дармонлар ҳам ўша тегирмонда тортилади.

У завқ билан гапиради. Хилма-хил гиёҳлар, улардан олинаётган витаминлар, дориларнинг турлари ва уларнинг аҳамияти ҳақида қувониб-қувониб гапиради. Унинг гапларидан ўз соҳасини пухта билишлиги сезилиб турибди. У, қуёшли ўлкамиз тоғларида ўсаётган фойдали гиёҳлар ҳақида тўлқинланиб сўзларкан, беполён чўл ва қирларда ўсган юз минг дардга шифо ўт-ўланлар, тоғларда кўкарган гиёҳлар қўз ўнгимга келади. Уни фақат инсон билади. Инсон излайди, топади. Инсон яратади, даволайди. Чунки, шу борлиқнинг ўзи, ҳамма нарса шу улуғ инсон учун!

ХАЛИМАХОН билан бинт қирқиш цехи ёнидан ўтиб борамиз, йўл-йўлакай уни тўхтатишади:

— Ҳалима Ғиёсовна, аризаммнинг натижасини билмоқчи эдим?

— Кўриб чиқдик. Ёрдам берамиз, албатта! — жавоб беради у.

— Мен ясли тўғрисида илтимос қилган эдим. Ҳалимахон, гаплашолдингизми?

— Жой бўлади дейишяпти.

Бироз сабр қиласиз.

Кўп йилдан бери завод касаба союзи комитетининг раиси бўлиб келган эмасми, яқиндагина сайлов бўлиб ўтганига қарамай кўникиб қолган ишчилар ҳали ҳам унга мурожаат қилишади. У ҳам ким кўрингангабир хилда муомилада бўлади. Кекса-ю, ёш бундай мулойим мулозаматдан кўнгли кўтарилади, хушнуд бўлади.

— Ҳалима Ғиёсовна,

— Ўртоқ Тошмуҳамедова,

Заводнинг ишчи ва хизматчилари унинг номини ҳурмат билан тилга олишади. Ҳалимахон иссиқ кўринади менинг кўзларимга...

ТАНИДИМ! Йўланиброқ, ерга қараб туриб гапиришидан танидим. Ҳа, ўн етти ёшга тўлмаган жиккак қиз эди ўшанда. 84-мактабнинг ўнинчи синфини олтин медаль олиб битирган. Битирувчилар кечасида бийрон-бийрон гапириб, ўқитувчиларига миннатдорчилик билдиргани хотирамда. Ҳалима худди ўша қизнинг ўзи. Шундан бери ўн йил знёд вақт ўтибди. Бу орада унинг бўйларига буй қўшилибди, камол топибди. Тасодифий учрашувдан фойдаланмоқчи бўлдим. Аммо Ҳалима ўзи ҳақида ортиқ гапирмади.

— Тошкентдаги фармацевтика институтини эллик тўққизинчи йилда битириб, шу заводга ишга келдим.

Шундай дейди қисқагина қилиб у. Лекин, унинг меҳнат фаолияти ва ташкилотчилиги ҳақида эса заводдагилар тўлқинланиб гапиришади:

Ҳалима Тошмуҳамедова энг яхши ўртоқ. Уйида эса меҳрибон она. Ишда жонкуяр бошлиқ.

Бу ҳақ гап. Буни биз ишлаб чиқарилган препаратлар бўйича ўтган йили Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари виставкасига қатнашиб, юксак мукофот олганлигидан ҳам, ўзига юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажаришидан ҳам билсак бўлади. Ҳалима Ғиёсовна — завод партия ташкилоти бюросининг аъзоси, касаба союзи комитетининг энг яқин кўмакчиси, у — шаҳар партия комитетининг пленум аъзоси.

Цех ўтган йили йигирма етти тонна «фитин», уч тонна-ю тўртюз килограмм «рутин» ишлаб чиқариб йиллик планини муддатидан илгари ошириб бажарганда: ишчиларимиз ғайрат камарини боғлабдики, шундай бўлди, деди у. Маҳсулот ой сайин сифатли тайёрланар экан, аппаратчи Қория Мўйиддиновани ҳам, Настя Турубчанина билан Валя Абрамовани ҳам, Дуся Гробовец билан Анвар Нурмуҳамедоваларни ҳам самимий табриклайди.

Завод етти йилликнинг ўтган йиллари давомида маҳсулот ишлаб чиқаришни икки марта зиёд оширди, меҳнат унумдорлиги ҳам 51 процент кўп ортди.

Бу йил ҳам чакки эмас. Биринчи квартал планини химия цехи 24 мартда, завод эса 26 мартдаёқ ошириб бажарди. Бунда Карим Алимович Собиров, Екут Маликова, Нина Парамишкина, Абдуғани Махамадаминов, Анорхон Ҳошимова, Ольга Уфимцева, Муҳаббат Абдурахмонова ва бошқа кўплаб ишчи-хизматчиларнинг ҳиссаси катта бўлди.

ХАЛИМАЛАРНИНГ заводи энди фақат Иттифоқимиздагина эмас, бутун дунёга машҳур. Бу ерда тайёрланаётган дори-дармонлар ҳозир Осиё, Африка, Европа ҳамда Жанубий Американинг қарийб 26 мамлакатига юборилиб турилади. Чунки, бу заводда ҳозир юз хилда дори-дармон ишланяпти. Булардан айниқса, республикамиз олимлари тақдим этган технологияга асосан маҳаллий хомашёдан ишлаб чиқарилаётган «галантамин», «псорален», «коамид», «рутин», «фитин» ва бошқа дори-дармонлар турли хилдаги касалликларни даволашда яхши натижалар беряпти.

Кишилар соғлиги йўлида меҳнат қилишни завод ишчилари шараф деб билишади. Шунинг учун ҳам Ҳалимахонлар ишлаётган химия цехи заводда биринчи бўлиб коммунистик меҳнат коллективи номини олди.

— Бу яхши. Аммо, мусобақадошимиз бўлган цехни? — деди бир куни Ҳалима ўз сменида ишлаётган ишчиларга. Бу шарафли номга улар мушарраф бўлаолмайдими? Улар ҳам ишда, юриш-туришда, уй-рўзғорда, планларни ошириб бажаришда биздан кам эмас-ку. Бунинг устига кўпчилик ёшлар ишдан кейин ўқишяпти ҳозир.

Химия цехининг илғорлари мусобақадошларига ёрдам қўлини чўзишди. Орадан кўп ўтмай, бинт қирқиш цехи пешқадам ҳам коммунистик меҳнат коллективи байроғи порлади.

Ҳалималарнинг меҳнат фаолияти, заводдаги иш процесси ҳақида батафсил ёзишга қалам ожизлик қилади. Лекин, шуни ҳамиша эсда тутинг: ўғлингиз ёки қизингиз бетоб бўлиб қолди, дейлик. Врач қўлингизга рецепт ёзиб беради. Аптекага югурасиз. Шунда Ҳалима ва унинг касбдошларини ёдингизга олинг. Улар — азиз инсоннинг саломатлиги йўлида меҳнат қилишаяпти. Сен соғ-саломат бўл, инсон деган сўз улар қалбидан чуқур жой олган. Улар шифокорларга яқин таянч бўлиб, беморларга шифо дармонлари тайёрлаб чиқаришаяпти.

Неъмат ТОШПУЛАТ.

Суратда: смена мастери инженер Ҳ. Тошмуҳамедова (чапда) химия цехининг ишчилари А. Пак, В. Аксенкина ва Қ. Мўйиддиновалар қайнаб етилган хомашё эритмасини кўздан кечиришяпти.

А. Тўраев фотоси.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ВЬЕТНАМДАГИ ШАРМАНДАЛИ УРУШ ТЎХТАТИЛСИН

Жаҳон жамоатчилиги Америка авиациясининг Вьетнам Демократик Республикасига қароқчиларча ҳужум қилаётганига, АҚШ империалистларининг Жанубий Вьетнамда олиб бораётган шармандали урушига қарши кескин норозиликлар билдиришни давом эттирмоқда.

ЛОНДОН

Илмий ходимлар Жаҳон федерациясининг бу ерда эълон қилинган баёнотида «Ҳозирги можаро катта халқаро урушга айланиб кетади, деган жиддий хавф бор», деб кўрсатиб ўтилади. Бу федерация ўз сафларида жаҳоннинг 23 мамлакатидаги 300 мингга яқин олимни бирлаштиради. Федерация АҚШга мурожаат қилиб, уни Вьетнамдаги урушни тўхтатишга чақиради.

ДЕҲЛИ

Бу ерда Ҳиндистондаги таниқли ёзувчилардан 49 кишининг баёноти эълон қилинди. Баёнотда, улар ўз Ватанини Америка босқинчиларидан озод қилиш учун курашаётган Вьетнам халқини тўлатўнис нўллаб-қувватлаётганликларини таъкидлайдилар. Америка ҳарбийлари ҳаддиларидан ошиб, Вьетнам Демократик Республикасига қарши ҳаёсизларча игвогарлик ҳаракатлари қилмоқдалар. Биз мана шундай ошкора босқинчилик ҳаракатларини қоралаймиз ва игвогарлик қурбонларига чуқур хайрихоҳ эканлигимизни изҳор қиламиз.

БУЭНОС-АЙРЕС

Аргентина хотин-қизлари иттифоқи АҚШнинг Шарқи-Жанубий Осиёдаги агрессив сиёсатини кескин қоралаб чиқди. Шу ташкилот вакилларининг кўп кишилик делегацияси ҳукумат уйига бориб, минглаб имзо чекилган хатни топширди. Бу хатда мамлакат президенти Артуро Ильиадан Американинг Вьетнамдаги агрессиясини тўхтатишни ёклаб чиқиш талаб қилинади. Делегация АҚШнинг Буэнос-Айресдаги элчихонасига бориб, АҚШнинг Жанубий Вьетнамдаги ваҳшиёна бомбардимонларига қарши норозилик билдирилган хатни топширди.

ТОКИО

Япония тинчлик тарафдорлари бош министр Сато хузурига кириб, Япония Вьетнамдаги урушнинг тўхтатилишини актив талаб қилиб чиқсин, деб ундан қаттиқ талаб қилдилар. Уларнинг Сатога топширган мурожаатида Япония АҚШни ўз қўшинларини Вьетнамдан олиб чиқиб кетишга кўндириши лозим, деб уқтирилади. Япония ҳукумати Қўшма штатлардан Вьетнамдаги урушда ўзининг Японияда базаларидан фойдаланишдан воз кечишни талаб қилиши керак, дейилади сўнгра мурожаатда. (ТАСС).

Уругвай деҳқонлари совет қишлоқ хўжалик техникасига катта қизиқиш билан қарамоқдалар. «Каньяна гранде» қишлоқ хўжалик кооперативи биринчи бўлиб совет комбайни ва ДТ-20 тракторини сотиб олди. Фермерлар ҳам совет тракторлари ва прицепларининг ишини яхши баҳоламоқдалар. Суратда: Уругвай импорт фирмаси ва совет ташқи савдо ташкилотларининг вакиллари кооперативда совет тракторининг ишини кўздан кечиряптилар.

Е. ЕЛЬШОВ фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

КОРЕЙС ХАЛҚИ ЯПОНИЯ — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ШАРТНОМАСИНИ РАД ЭТАДИ

КХДР ташқи ишлар министрлигининг баёноти

ПХЕНЬЯН, 6 апрель. (ТАСС). Корея Халқ Демократик Республикаси Ташқи ишлар министрлигининг бу ерда эълон қилинган баёнотида бундай дейилади: Япония ҳукуматининг қўғирчоқ Пак Чжон Хи тўдаси билан тузган ҳар қандай битими бутун корейс халқи томонидан танилмаган тақдирда ҳар қандай қонуний кучдан маҳрум бўлади.

Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукумати, дейилади баёнотда, Корейс халқининг Япония ҳукумати олдига қўйган репарация даъволари каби ҳал этилмаган масалалар, балиқ овлаш масаласи ва Японияда корейс гражданлари тўғрисидаги масала бутун корейс халқининг ҳоҳиш-иродасини ифода этадиган Кореянинг ягона ҳукумати тузилганидан кейингина корейс ва япон халқларининг манфаатларига мувофиқ одилона ва оқилона ҳал этилиши лозим, деб ҳисоблайди.

СОВЕТ—ҲИНДИСТОН ҲАМКОРЛИГИ

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасида 1965—1966 йилларда фан ва маданият соҳасида ҳамкорлик қилиш плани Москвада имзоланди.

Томонлар чала ўтказгичлар физикаси, электрокибернетика, археология, химия бўйича, иқтисодий ва социал проблемалар соҳасида материаллар тўплаш ва лекциялар ўқиш учун бир-бирларига олимлар юбориб турадилар. Ҳинд мутахассислари совет илмий муассасаларида стажировкадан ўтадилар. Рус тили ва техника фанларидан дарс берувчи ўттиздан кўпроқ совет ўқитувчиси Ҳиндистондаги олий ўқув юртларига боради. Ҳиндистон мактаблари учун совет дарсликларини таллаш ва инглиз ҳамда ҳинд тилларига таржима қилиш юзасидан Совет-Ҳиндистон аралаш комиссияси ўз ишини давом эттиради.

Маданият соҳасида айирбошлаш программасига мувофиқ, ҳинд рақс коллективи, ёзувчилар, рассомлар, музиқачилар, кутубхона ходимлари ва журналистлар Совет Иттифоқига келадилар. Совет балетининг артистлари дўст мамлакатга гастролга борадилар.

Маълумот тўғрисидаги дипломлар ҳамда СССР ва Ҳиндистондаги илмий ҳамда олий ўқув юртлари берадиган илмий даражалар тенг қимматга эга бўлиши тўғрисида ҳам протокол имзоланди. (ТАСС).

ШИМОЛИЙ ВЬЕТНАМ УЧУВЧИЛАРИНИНГ ДАСТЛАБКИ ЖАНГИ

ХАНОЙ, 6 апрель. ТАСС мухбири Е. КОБЕЛЕВ хабар беради:

Вьетнам халқ армияси ҳарбий ҳаво кучларининг қирувчилари Америка авиациясининг Вьетнам Демократик Республикаси территориясига қилаётган ваҳшиёна ҳужумларини қайтаришда қатнашмоқдалар. Буни Вьетнам матбуоти шарҳлаб «Бизнинг ёш авиациямиз ўзининг жангдаги шижоатларини ҳисоблашга киришди» деб ёзади.

3 ва 4 апрелда Американинг осмон қароқчилари Тхань-Хоа вилояти районида Вьетнам Демократик Республикасининг осмон чегарасини ёриб ўтиб, анча ичкарига кириб кетдилар. Ана шунда Вьетнам халқ армияси авиациясининг жангчиларига жангга кириш тўғрисида буйруқ берилди.

Вьетнам қирувчи самолётлари тўсатдан пайдо бўлганлиги Американинг саф тортиб келаётган самолётларини саросимага солиб қўйди. Дастлабки минутларнинг ўзидаёқ Вьетнам самолётларидан отилган ўқлар мўлжалга бориб тегди. Американинг «Ф-105» маркали қирувчи реактив самолётларидан бири ловуллаб ёниб ерга ағдарилиб тушди. Американинг иккинчи самолёти ҳам бир неча секундан сўнг ловуллаб ёниб йиқилди.

Жанубий Вьетнамдаги АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг қўмондони Жозеф Мур: «Биз Шимолий Вьетнам қирувчи самолётларидан биронтасини ҳам уриб тушира олмадик, чунки уларни кўриш жуда қийин бўлди» деб об-ҳаводан нолиб гапирди. У, Шимолий Вьетнам самолётларини уриб йиқита олмаганлиги тўғрисидаги бу гапни мисли бўлмаган ростгўйлик билан гапирди. Лекин унинг об-ҳаво тўғрисидаги гапига қўшилиб бўлмайди. Вьетнам самолётлари жанговар топшириқни муваффақиятли бажариб бўлиб базага эсон-омон қайтиб келганларидан кейин, звено командири жуда хурсанд бўлиб ўзининг дўстларига: «об-ҳаво жуда ҳам яхши эди» деди.

ЯНА ВАҲШИЁНА ҲУЖУМ ҚИЛИНДИ

НЬЮ-ЙОРК, 7 апрель. (ТАСС). АҚШ 7—флоти кемаларидан учган Американинг бир неча ўнлаб қирувчи — бомбардимончи самолётлари бугун Вьетнам Демократик Республикасига яна ҳужум қилди. АП агентлиги мухбирининг Сайгондан хабар беришича, бу самолётлар Вьетнам Демократик Республикасининг территориясига «20 тонна напалм ва ракета» ташлаганлар.

АРАБИСТОН ЯРИМ ОРОЛИ ДАЛАЛАРИГА

Яман жамоат ишлари министрлиги адресига Ўзбекистон пахта заводлари толаси ўртача узунликдаги «108-Ф» ва «С-450-555» ғўзаларининг навдор чигитлардан дастлабки партиясини жўнатдилар. Республика корхоналари май ойининг охиригача Арабистон ярим оролидаги заказчига ўттиз тоннадан кўпроқ чигит юборадилар.

— Ватанимизда етиштирилган навдор чигитларни жуда кўп мамлакатларга етказиб берамиз, — деди Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгаши пахта тозалаш ва луб саноати бошқармасининг уруғчи старший агрономи А. А. Юматов. Бизнинг чигитимизни тўрт қитъа — Осиё, Африка, Европа ва Америка мамлакатлари сотиб олмоқдалар.

(ЎзТАГ).

ФУТБОЛ

ЯНА МАҒЛУБИЯТ

«Политотдел» командасининг навбатдаги ўйини Тошкентга, марказий «Пахтакор» стадионига кўчирилди. Колхоз футболчиларининг ўйинига ишқибоз жуда кўплигидан шундай қилишга мажбур бўлинган эди. Лекин политотделликлар кўп сонли ихлосмандлари ишончини оқлайолмадилар. Улар биринчи учрашувдаги мағлубиятдан чўчиб қолгандек туюлдилар. Колхоз футболчиларининг ҳаракатида шошма-шошарлик сезиларди. Улар ўйинни рақиблар томонига кўчиришса ҳам штраф майдони яқинида тўпни кимга узатишни билмай, ожизлик қилиб қолавердилар. Ҳужумчиларнинг ўйини сира қовушмади.

Меҳмонлар — Таллиннинг «Динамо» футболчилари эса бундан яхши фойдаланишди. Улар ўйин бошланишидаёқ ҳисобни очдилар: «Политотдел» ҳимоячиси А. Рем қўпол ўйнагани учун судья меҳмонларга 11 метрдан штраф тўпи уриш ҳуқуқини берган эди. «Динамо» футболчилари киритган иккинчи тўп колхоз футболчиларининг рақиб ҳужумчиларини очиқ қолдиришга оқибатида бўлди. Политотделликлар ўйни охирларида ҳисобни ўзгартиришга ҳарчанд уринсалар ҳам бўлмади. Жуда қулай имкониятларни ҳам бой бериб эсанкираб қолдилар.

Колхоз футболчиларининг навбатдаги рақиблари жуда кучли коллективлардир. Уларнинг тажрибаси олдида чўчимасдан, команда аъзолари ўзларини қўлга олиб майдонга тушган тақдирдагина муваффақиятга эришиш мумкин.

●

7 апрелда «А» класси иккинчи группасидаги қолган учрашувлар қуйидаги натижаларни берди: БИРИНЧИ КИЧИК ГРУППА: «Молдова» — «Волга» (Горький) — 0:0, «Локомотив» (Винница) — «Шахтёр» (Қарағанда) — 1:1, «Локомотив» (Тбилиси) — «Локомотив» (Челябинск) — 0:2, «Терек» — «Уралмаш» — 0:1, «Энергетик» — «Труд» — 0:0, «Строитель» — «Спартак» (Гомель) — 0:0, «Трактор» (Волгоград) — «Авангард» — 2:1, «Металлург» («Запорожье») — «Текстильщик» (Иваново) — 0:0.

ИККИНЧИ КИЧИК ГРУППА: «Олга» — «Даугава» — 0:0, «Кубань» — «Жальгирис» — 2:0, «Заря» — СКА (Новосибирск) — 2:0, «Карпати» — «Динамо» (Ленинград) — 1:0, «Днепр» — «Шинник» — 2:1 «Арарат» — «Волга» (Калинин) — 0:1.

Ҳиндистон Компартияси миллий кенгашининг сессияси

ДЕҲЛИ, 6 апрель. (ТАСС). Кеча бу ерда Ҳиндистон Коммунистик партияси миллий кенгашининг сессияси очилди.

Биринчи мажлисда коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг Москвада бўлиб ўтган маслаҳат учрашуви натижалари тўғрисида Ҳиндистон Коммунистик партиясининг вакили Дангенинг доклади тингланди ва маслаҳат учрашуви қатнашчилари қабул этган ахборот муҳокама қилинди.

Сессия мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатига тааллуқли муҳим масалаларни ҳам муҳокама қилади.

Шимолий Кореядаги Мусан темир руда кони асосан қудратли совет техникаси билан қуролланган. Суратда: 25 тонналик юк таший оладиган совет самосвал машиналарининг Мусан конида ишлаётган пайти тасвирланган. ЦТАК — ТАСС фотоси

«ЖАҲОН АҲОЛИСИ» ТЎПЛАМИ

Ер юзида қанча одам бор? Одамлар сони қандай кўпаймоқда? Инсониятнинг бундан буёнги ўсиш истиқболлари қандай?

Яқиндагина босилиб чиққан «Жаҳон аҳолиси» деган тўплам мана шу ва бошқа нўпгина саволларга жавоб беради.

Бу справочник — тўплам 15 бўлимдан иборат, китобнинг ҳар қайси бўлимида умуман бутун дунёга, қитъаларга (Совет Иттифоқи алоҳида кўрсатилади), районларга ва мамлакатларга доир маълумотлар бор. СССРга тааллуқли маълумотлар эса иттифоқдош республикалар ёки йирик районлар бўйича кўрсатилган.

Китобнинг биринчи бўлимида планетамиздаги аҳолининг умумий сони ва ўсиши ҳақида, аҳолининг бундан буён кўпайиш истиқболлари тўғрисида гапирилади. Ер юзидаги одамларнинг сони 1000 йилдан то 1964 йилга қадар ўн баравардан зиёдроқ кўпайган. Шуни айтиб ўтиш керакки, Ер юзидаги аҳолининг икки баравар кўпайиши учун қарийб 700 йил керак бўлган, иккинчи марта икки баравар кўпайиши учун 150 йил керак бўлган, ҳозирги вақтда эса аҳоли сонининг ўсиш суръатлари шу қадар тезлашиб кетдики, ер юзидаги аҳолининг яна икки баравар кўпайиши учун 35 йилдан камроқ вақт керак бўлади.

Шу йилнинг бошида бутун ер юзидаги аҳоли 3,3 миллиард кишига етди. 2000 йилга бориб бутун Ер юзидаги аҳолининг сони 6 миллиард кишига етади. 1980 йилнинг охирига бориб СССРдаги аҳоли 280 миллионга яқин кишига етади. Шу давр ичида Латин Америкасида, Осиёда, Африкада ўсиш суръатларининг энг кўп бўлиши кутилмоқда.

Справочникнинг навбатдаги бўлими ер юзидаги аҳолининг туғилиши, ўлими, табиий ўсиши қандай бораётганлигини кўрсатиб беради. 1963 йилда бутун ер юзида 120 миллионга яқин киши туғилди, 55 миллион киши ўлди. Умрнинг ўртача узунлиги шимолий Америкада 70 ёшга, Европада 68 ёшга, Латин Америкасида 50-55 ёшга, Осиёда 40-50 ёшга, Африкада салкам 40 ёшга етди. 1962-1963 йилларда совет кишиларининг ўртача умри 70 ёшга етди.

Бу китобда аҳолининг жойланиши, тиғизлиги тўғрисидаги маълумотлар, шаҳарлар ва қишлоқларда қанча одам яшаётганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган. Бу китобни ўқиган китобхон аҳолининг жинсий состави, ёш структураси, оилавий ҳолати, маълумот даражаси, синфий структураси тўғрисидаги нўпгина қизиқ маълумотларни билиб олади.

Бу тўпламни тузишда ва ёзишда СССР Фанлар Академияси ва СССР Медицина Фанлари Академияси илмий тадқиқот институтлари ходимларининг катта группаси қатнашди. Китобни сиёсий адабиёт нашриёти нашр этган. (ТАСС).

КОММУНИСТ ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ

ПАРИЖ, 7 апрель. (ТАСС). Мадридда эълон қилинган ва Франс Пресс агентлиги тарқатган расмий ахборотда айтиладики, Испания Коммунистик партияси Мадрид комитетининг аъзоси Викторнано Диас Кардиэль Гонсалес бундан икки кун олдин Мадридда қамоққа олинган.

ЯНА ЯДРО БОМБАСИ ПОРТЛАТИЛДИ

ВАШИНГТОН, 6 апрель. (ТАСС). Невада штатидаги ядро полигонида кеча ер остида яна ядро бомбаси портлатилди. Атом энергияси комиссияси шу тўғрида хабар қилди. Бу—шу йил ер остида ўтказилган еттинчи портлатишдир.

Матбуот ходимлари семинари

Дала меҳнаткашларини шу кунларда қандай масалалар қизиқтирмоқда? Ҳозир қишлоқ журналистлари нималар ҳақида ёзишлари керак, газета материалларини қандай тайёрлаш лозим? Бу ва шунга ўхшаш жуда кўп масалалар ҳақида областимизда чиқадиган район газеталари, саноат корхоналари ва олий ўқув юртларининг кўптиражли газеталари ходимлари семинарида фикрлашиб олинди. «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» область газеталарининг ходимлари С. Маҳкамов, Б. Халилов, В. П. Иванова шу темада сўзлаб бердилар, ўз иш тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Область халқ хўжалигини ривожлантириш перспективалари билан область ижроия комитети план комиссияси раисининг ўринбосарлари Ш. Мирсаидов ва П. Нестеров семинар қатнашчиларини таништирдилар.

Газета материалларининг таъсирчанлиги учун кураш формалари ҳақида «Ташкентская правда» газетасининг бўлим мудири Е. Михельсон суҳбат ўтказди. Семинарда область партия комитетининг лектори Т. Салоҳиддинов «Газета саҳифаларида атеистик тарбия масалаларини ёритиш» темасида сўзлади.

Семинарни область ва шаҳар партия комитетлари Ўзбекистон журналистлар союзи Тошкент бўлими билан биргаликда ташкил қилди.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

КИЧИК ФЕЛЬЕТОН

СУЯК ТИҚИЛДИ

Бор экан, йўқ экан, Ўртаовул деган жойда молларни семириш пункти бор экан. Ана шу пунктга бир сабаб билан А. И. Файнштейн деган зот бригадир бўлиб келган экан. Шундан кейин унда-мунда ўлжа излаб келадиган қўйлар кушандаси — бўрилар ҳам бу хабарни эшитгач «энди бизга бу ерда нон йўқ экан» деб пунктга қадам босишмай қўйишибди. Ҳақиқатан ҳам бечора қўйлар қордан қутилиб ёмғирга йўлиқишган экан. Чунки бригадир Файнштейнни кўрди дегунча совлиқлар боласини, қўзичоқлар эса онасини чақиришиб, ҳар томонга шаталоқ отишар экан. Улар ҳар қанча маъ-рашиб қаерда жон сақлашмасин барибир ораларидан бирини унинг нафсига рўбарў қилишмагунча қутилишмас экан. Шу зайлда ойлар кетидан ойлар, йиллар кетидан йиллар ўтибди. Бу брада Файнштейнининг иштаҳаси очилиб, бора-бора бир-икки қўй унинг тиши орасида қолиб кетадиган бўлиб қолибди. Илгари у қўлга тушган қўйни тилишлаб еган бўлса, энди тириклайин домига тортадиган бўлиб қолибди.

Кунлардан бирида, март ойининг ярмида Файнштейн бир йўл топибди. Йўл топса ҳам зўр топиб, гўштни «Узбекбирлашув» ишлаб чиқариш комбинати ишчиларига ошириб, тиригини эса ящирибди. Шундан кейин мойлиқ пичоғини чархлаб ветврач Галиев ва Пипченколар олдига келган экан, улар Файнштейн айтгандай қилиб бир қулоч акт ёзишибди. Файнштейн пункт директори Гусаков, бош бухгалтер Идрисов, ветврачлар Галиев ва Пипченко каби анқовлар олдига «хашак» ташлаб, ўзи бир акт билан 22 бош қўй гўштини (тирик вазнда 1051 килограмм) ўмариб, бир қўйни тириклайин ютиб юборибди. Файнштейн анойи гўсўрлардан эмас экан. У ўмарган жойининг ўрнини тўлдириб қўяр экан. Файнштейн ана шу ният билан кейинги нонуштага атаб 16 бош қўзини ва 2 бош эчкини яшириб юрган экан. Яширилган бу қўзичоқлар маъ-рашавериб Файнштейннинг сирини очишибди, у фақат гўшттагина эмас, баъзан пулга ҳам тузоқ қўйишга ўрганибди. Файнштейн дастлаб тақсимланган гўштдан келган 121 сўм 85 тийин пулни давлат кассасига эмас, ўз кассасига қайирган экан. Ҳеч ким сезмабди. Қўйингки, Файнштейн бора-бора пунктдаги қўйларнинг озуқасига ҳам чанг соладиган бўлибди. У қўйни сўйиб сўйдими, ё тириклайин ютадими албатта, шелуха, жуда бўлмаса арпа билан «закуска» қилар экан. Ўтган йилнинг ноябрь, декабрь ва шу йилнинг январь ойларида 307 килограмм шелуха, 1200 килограмм шрот, 451 килограмм комбикорм ва 290 килограмм арпани еб, Файнштейни тушмагур давлатга 885 сўм зарар келтирибди. Ҳозир қўйни бўрига топширган база мудири Саидовдан тортиб, пункт директори Гусаковгача бош қашиб юришганмиш.

Файнштейн сўнгги ўлжасини ҳазм қилаётганда суяк тиқилиб қолибди. У бир-икки ўқчибди, бўлмабди. Эл оғзига элак тутиб бўлмайди, биров «наҳотки тириклайин қўй ютиб келган Файнштейнга суяк тиқилса» деса, бошқаси «ахир, кўпчиликнинг ҳақида, ҳазм қилиш осонми» дермиш...

Халқ, давлат мулки бўлгани учун бу илик суяк кекирдакдан ўтолмай, ярим йўлда қолибди. Яқинда одил халқ суди Файнштейнни нари олиб, бери олиб келаётган ана шу суякни қоқиб олмоқчи бўлган экан, у хушидан кетиб қолибди, шундай қилиб фельетон ҳам тамом бўлибди.

А. ШАЙХОВ,
А. ҚОДИРОВ.

Реклама ВА Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

9 АПРЕЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.25 — **Улуғ галабанинг 20 йиллиги олдидан** (катта ёшдаги мактаб ўқувчилари учун), 18.55 — **Спортчи меҳмонлар**, 19.15 — **Экран янгиликлари**, 20.05 — **Концерт** (Ўзбекистон радио ва телевидение квартети ижросида).

20.30 — **Эшитиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 20.35 — **Телевизион янгиликлар**, 20.55 — **Сўз — илғор чорвадорларга** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 21.15— **Уйимиздаги эркак** номли бадиий фильмнинг 2-серияси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 19.00 — **Қуён дўмбирачи. Олмахонлардан алданган айиқчалар** (кичкинтойлар учун диафильмлар), 19.35 — **Тошкент янгиликлари**, 19.45 — **Концерт** (Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист М. Давидов ижросида).

Рус тилида: 20.15 — **Илғор комсомол қурилишларида** («Юность» студияси), 20.45 — **Тошкент янгиликлари**, 20.55 — **Кукриниксн** («Ленин мукофотига тавсия этилганлар» циклидан), 21.25 — **Қалб хотираси** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 10/IV да **Соялар, Франческа Да Римини, Болеро.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 9/IV да **Сарвқомат дилбарим**, 10/IV да янги спектакль **Юлдузлар жамоли.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 10/IV да **Зуҳраннинг мантублари.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— 10/IV дан Белорус цирки артистларининг **«Соғ бўлинг»** томошаси. Кеч соат 8 да бошланади. Билетлар эрталаб соат 11 дан кеч 6 гача сотилади. Якшанба куни 3 марта томоша кўрсатилади: кундуз соат 12, 3 ва кеч 8 да.

КИНО

Севги деб (1 ва 2-серия) — НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН», «ИСКРА», «СПУТНИК», (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 12, 3, кеч 6-15 минут ва 9 да), «МОСКВА» (эрталаб 10, кундуз 1 ва кеч 7 да).

Уфқдан ошган излар — «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 да), «СПУТНИК» (эрталаб 11, кундуз 3, 4, кеч 8 ва 10 да).

Асосли далил — «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

10 апрель кундуз соат 2 да, Тошкент Округ офицерлар уйида **«СССР ВА БОШҚА СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАР ВАҚТЛИ МАТБУОТИ»ГА БАҒИШЛАНГАН**

ВИСТАВКА ОЧИЛАДИ

Виставкада Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг 1000 номдан ошиқ газета ва журналлари намойиш қилинади.

Виставкани кўргани келган ўртоқлар фан, техника, халқ хўжалиги, маданият ва санъатнинг турли соҳаларига доир нашрлар билан танишишлари мумкин.

Виставка (дам олиш куни—душанбадан бошқа) ҳар куни кундуз соат 12 дан кеч 7 гача очиқ бўлади.

Виставкага ҳамма кириши мумкин.

1965 йил 10 апрель кундуз соат 3 да, Қурилиш техникуми клубида (Навоий кўчаси, 32-уй)

Тошкент шаҳар омонат кассаларида сақланган

ютуқли омонатларнинг

45-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ бўлади.

Тиражда ҳар бир мингта счётга 25 ютуқ ўйналади, шу жумладан: ўтган ярим йилдаги ўртача омонат қолдигининг 200 процентти миқдорида — бир ютуқ, 100 процентти миқдорида — икки ютуқ, 50 процентти миқдорида — икки ютуқ ва 25 процентти миқдорида — йигирма ютуқ ўйналади.

Тиражни ҳамма кириб кўриши мумкин.

Тошкент шаҳар давлат меҳнат омонат кассалари ва давлат кредити бошкармаси.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг **БОШ СУД-МЕДИЦИНА ЭКСПЕРТИЗАСИ БЮРОСИГА**

Тошкент шаҳар суд-медицина экспертизасида ишлаш учун, **лаборант врачлар**

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Карл Маркс кўчаси, 103-уй, 4-корпус.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома, горкома КП Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, Навоий кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, Редактор ўринбосари — 25885. Масъул секретарь—34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари—31936. Партия турмуши бўлими—26232. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 08555. Индекс — 64969. Нашр. № 1735.